Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

8-йил чиқиши.
17 АВГУСТ 1973 й.
ЖУМА
№ 192 (2176).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

1971 1975 БЕШ ЙИЛЛИК: ҳал қилувчи йил
МЕҲНАТ ВАХТАСИ

КАМ МАБЛАҒ САРФЛАБ, КЎПЛАБ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРАЙЛИК!

Машҳура Қодирова шаҳардаги чарм-галантерея фабрикасининг 3-цехида аёллар сумкасини тайёрлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Комсомол аъзоси М. Қодирова кундалик топшириқларини 120-130 процент қилиб адо этмоқда.

СУРАТДА: М. Қодирова. Ҳ. Шодиев фотоси.

● Бир корхона янгиликлари

ЯНА БИРИНЧИ ЎРИН

Кам маблағ сарфлаб, кўплаб сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш шиори асосида Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини қизғин давом эттираётган В. Бершов бош бўлган цех меҳнатчилари «Ташхимсельмаш» заводи ишчи коллективлари ўртасида байроқдор бўлиб келяпти. Шунинг учун ҳам, корхона маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари социалистик мусобақанинг июль ойи якунлари бўйича биринчи ўринни яна шу цех коллективига беришни лозим топди.

Етти ойлик топшириқни муддатидан беш кун олдин бажариб, планга қўшимча 30 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлаган цех ишчилари августда ҳам суръатни бўшаштирмаётирлар.

Маҳсулот сифати бўйича бошланган курашда 1-механика цехи меҳнатчилари пешқадамлик қиляптилар. Кейинги вақтларда бу ерда ўрнатилган ўнга яқин техника воситалари тайёрланаётган маҳсулот сифатининг кескин яхшиланиб боришига катта ёрдам бермоқда.

ТАШАББУС АСОСИДА

Заводнинг тажрибали металл қирқувчиси, коммунист Б. Охунжонов яқинда янги ватанпарварлик ташаббуси билан чиқди. Ойлик план топшириқларини белгиланганидан ўн кун илгари бажаришга даъват этувчи бу ҳаракат ҳозир корхона бўйлаб кенг қанот ёзмоқда.

Ишчилардан токарь Б. Исмоилов, слесарь Н. Харич, силлиқловчи Ҳ. Содиқов, Е. Дудин, Ш. Ҳисомиддинов сингари ўнлаб меҳнат зарбдорлари ҳозирги вақтда ана шу ташаббус асосида ишлашяпти. Уларнинг издошлари кун сайин ортиб бормоқда.

ТОНГГИ газеталарда

● КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 16 августда Олмаотадан жўнаб кетди. Ўртоқ Л. И. Брежнев шу куниёқ Саратов шаҳрига келди.

● СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 16 августда Кремлда универсиаданинг фахрий меҳмони сифатида Совет Иттифоқида турган Халқаро Олимпиада Комитетининг президенти лорд М. Килланинни қабул қилди.

Суҳбат вақтида олимпиада спорт ҳаракати ва халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ҳамда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб ҳамиша халқаро спорт алоқаларини кенгайтиришни ёқлаб чиқаётган совет спорт ташкилотларининг бу ҳаракатдаги иштирокига доир масалалар қараб чиқилди.

● Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Е. Фок кеча Будапештдан Москвага келди.

● «Республика колхозлари, совхозлари ва тайёрлаш пунктларининг 1973 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлиги тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори эълон қилинган.

● Тошкент—мамлакатга

ҚАРДОШЛАР БУЮРТМАСИ

«Узтяжпромэлектропроект» институтида қардош республикаларнинг буюртмалари мунтазам бажарилмоқда. Ҳозир бу ерда Уралдаги керолит заводи учун қуввати 40 минг киловатт-ампер бўлган подстанция лойиҳаси яратилмоқда.

Бугун бу ерда Тожикистон ССРда қад кўтараётган алюминий заводи учун подстанция лойиҳаси ишлари тугалланди.

Институт ишга тушириш ва созлаш ишларини ҳам бажармоқда. Ҳозир ана шундай ишлар Оҳангарондаги олтин саралаш комбинати ва Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида олиб борилмоқда.

Институт келгусида ўзининг 50 йиллик юбилейини нишонлайди. Бу санага ҳозирдан муносиб тайёргарлик кўрилмоқда.

● Тошкент—жаҳонга

Китоблар юборилмоқда

Пойтахтимизда нашр этилаётган турли хил китоб ва журналлар жаҳоннинг 42 мамлакатига юборилмоқда. ГДР, Чехословакия, Польша, Руминия, Венгрия каби қардош мамлакатлар ўзбек олимлари ва ёзувчиларининг асарларини бир неча йилдан бери сотиб олмоқдалар.

Яқинда буюртмачиларга Алишер Навоий достонлари асосида ишланган миниатюралар, Ш. Рашидовнинг урду тилида нашр этилган «Кашмир қўшиғи» асари юборилди. Шунингдек, Файзулла Хўжаев «Танланган асарлари»нинг 3 томи ҳам чет эллик китобхонларга жўнатилди.

Бундан ташқари, ўзбек олимларининг медицина, биология, техника ва бошқа фанлар бўйича ёзган асарлари ҳам экспорт рўйхатидан жой олмоқда.

● Чет эллик меҳмонлар сўзи

«Ажойиб сафар қилдик»

Совет дўстлик жамиятлари союзи билан Совет-Америка муносабатлари институтининг таклифига биноан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ негр жамоат арбоблари делегациясининг аъзолари «Совет Иттифоқи бўйлаб қилган сафаримиз муваффақиятли ва фойдали бўлди» деган фикрни якдиллик билан айтмоқдалар.

Делегация бошлиғи — Америка-Совет дўстлиги миллий кенгашининг аъзоси Жорж Мерфи СССРдан жўнаб кетишдан аввал, ўзи ва шериклари Қирғизистонга бориб келганликларини айтиб берди. Бу сафардан кузатилган мақсадларнинг бири негр рассоми, делегация аъзоси Бертранд Филипп чизган Поль Робсон портретини республика жамоатчилигига топшириш эди. Қирғизистондаги тоғ чўққиларидан бирига Америка қўшиқчиси ва жамоат арбоби Поль Робсоннинг номи қўйилганлиги муносабати билан ана шу портрет тортиқ қилинди. Делегация Қирғизистон жамоатчилиги вакиллари билан биргаликда Поль Робсон туғилган куннинг 75 йиллигини нишонлади.

Ж. Мерфи Америка-Совет муносабатлари кўнгилдагидек ривожланаётгани тўғрисида гапириб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг АҚШ президенти Р. Никсон билан учрашувлари ва имзоланган ҳужжатлар чинакам тарихий аҳамиятга эга эканлигини қайд қилди. Олий даражадаги учрашувлар иккала мамлакатлар халқлари ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун шарт-шароит яратиб берди.

— СССР бўйлаб қилган сафаримиз вақтида — деди пировардида делегация бошлиғи, — биз совет халқининг ана шу учрашувлар натижаларини якдиллик билан маъқуллаётганликларига ишонч ҳосил қилдик. Урушни одамлар ҳаётидан чиқариб ташлаш учун қилинаётган ишлар ва тинчликсевар совет сиёсати бутун дунёда, шу жумладан ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган халқлар орасида зўр хурсандчилик билан қўллаб-қувватланмоқда.

(ТАСС).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ЯШАЕТГАН КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин ҳамда «Қаҳрамон она» ордени ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширилсин.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА:

1. **Исмоилова** Мубор Ғофуровнага — уй бекаси.
2. **Исроилова** Тожиниссо Мирзааҳмедовнага — уй бекаси.
3. **Каримжонова** Райҳонга — уй бекаси.
4. **Мавлонова** Маъсудага — уй бекаси.
5. **Патхуллаева** Ширмонхон Мирзабоевнага — ишчи.
6. **Тошмуҳамедова** Муяссарга — уй бекаси.
7. **Ўролова** Саноатга — уй бекаси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари. М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1973 йил 6 август.

Қурилиш майдонларида

Муддатидан уч ой илгари

Чилонзорнинг Қатортол кўчасида республика «Гипросельстрой» лойиҳа ва Ўрта Осиё экономика илмий-текшириш институтларининг беш қаватли янги биноси объектидаги умумий қурилиш-монтаж ишлари муддатидан уч ой илгари битказилди.

Бинода «Главташкентстрой» 153-қурилиш тресги 1-қурилиш бошқармасининг С. Савчук бошлиқ хўжалик ҳисобидаги комплекс ва Д. Кистанов бошлиқ дурадгорлар бригадаси аъзолари меҳнат қилган эдилар.

Шу кунларда лойиҳа илмий-текшириш институти биносида мазкур қурилиш трестининг 12-пардозлаш бошқармаси сайқалчилари пардоз ишларини олиб бормоқдалар.

Юбилей объектида

Ҳал қилувчи йилнинг октябрь ойи ҳисобига меҳнат қилаётган «Главташкентстрой»нинг 153-қурилиш тресги 1-қурилиш бошқармасининг С. Савчук бошлиқ комплекс бригадаси аъзолари Чилонзорнинг Қатортол кўчасида 9 қаватли маъмурий бино қурилишини бошлаб юбордилар.

Қисқа муддатда бинонинг икки қаватига темир-бетон устунлар ўрнатиш тугалланди.

Бу ишларни амалга оширишда монтажчи Н. Комендантов, А. Шобрикин, ғишт терувчи К. Журкин, пайвандчи Р. Ҳошимовлар жонбозлик кўрсатишди.

Маъмурий бино қурилиши Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллиги нишонланадиган келгуси йилда фойдаланишга топширилиши керак.

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ

Дўстларимиз ёрдами

АНДИЖОН. Қирғизистон пахтакорлари ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари Москва райони далаларида бўлдилар. Район меҳнаткашлари бу йил гектаридан қирқ центнер ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Меҳмонлар «Правда Востока», «Октябрь», «Шарқ юлдузи» колхозларидаги ғўзаларнинг аҳволидан хурсанд бўлдилар. Кўпгина бригадаларда ҳар туп ғўзада 12—13 тадан бўлиқ кўсак бор.

Мусобақадош дўстлар ютуқлар билан бирга бир қанча нуқсонларни ҳам аниқлашди. «Правда» колхозининг баъзи бир бригадаларида, бошқа хўжаликларда ғўза чеканкаси сифатсиз ўтказилган, ғўзага ишлов бериш ишлари тўхтатиб қўйилган.

Қирғизистонлик пахтакорлар Бўз, Балиқчи, Хўжаобод, Жалақудуқ ва Андижон областидаги бошқа районларнинг хўжаликларидаги далаларда ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари қандай парвариш қилинаётганлигини кўздан кечирдилар. Экинларни парвариш қилишда йўл қўйилган бир қанча камчиликлар аниқланди. Мусобақадош дўстлар камчиликларни тезроқ бартараф этиш тадбирларини белгилашда ёрдам бердилар.

Чотқолнинг сулаймон балиғи

Ғазалкент (Тошкент области). Магистрал канал қирғоғида Сулаймон балиқ хўжалиги қурилиши бошланди. Бу иншоот мамлакатдаги шундай типдаги муассасаларнинг иккинчисидир. Бу ерда темир-бетон билан қопланган 44 та ҳовуз қурилади. Лаборатория корпуси ва чавоқ тайёрлайдиган фабрика қад кўтаради. Чавоқлар худди жўшқин тоғ дарёси сингари оқадиган сувга қўйиб юборилади. Сув йўлида ўрнатилган тўғон ва тўсиқлар оқимнинг ана шундай тезликда бўлишини таъминлайди.

Хўжалик йилига 1 миллион чавоқ чиқаришга мўлжалланган. Балиқлар Чорвоқ сув омборида, шунингдек Чотқол дарёсида кўпайтирилади.

СУРАТДА: ҳовуз қурилиши.

А. Усмонов фотоси.

(ЎзТАГ).

● Ҳамшаҳарлар, сизлар учун

ҲАР КУНИ 15 ТОННА

Бободеҳқон меҳнати билан етиштирилган мўл ҳосил ҳамшаҳарларимизга ўз вақтида етказилиб турилибди. Фақат Октябрь район улгуржи-чакана савдо конторасининг ўзида бугунги кунда 31 та магазинда 122 та сотувчи хизмат қилмоқда.

Йил бошидан бери еттита янги магазин очилди. Яқинда уларнинг ёнида яна тўрт сабзавот дўкони шаҳарликларга хизмат қила бошлади. Булар Чилонзор Оқтепасида, Хадрада, Кўкча бозоридадир.

Сирдарё областининг «Дўстлик» районидан ҳар куни 12—15 тоннага яқин қовун, тарвуз келтирилмоқда.

ЭНГ ЯХШИ МАРШРУТ

Трамвай - троллейбус бошқармаси комсомол комитети комсомол-ёшлар бригадалари ва маршрутлар ўртасида ўтказилган ўзаро социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқди. Биринчи ўрин 2-троллейбус депосининг 16-комсомол-ёшлар бригадасига берилди. Бу бригадага Александр Лавров бошчилик қилмоқда. Ёшлар ярим йиллик планни 107,3 процент адо этдилар.

Ишчилар меҳнати рағбатлантирилмоқда

Тошкент трактор заводининг ишлаб чиқариш суръатлари кун сайин ошиб бораяпти. Тракторсозлар 1973 йил учун зиммага олган мажбуриятларини шараф билан адо этмоқдалар. Корхона ишчи ва хизматчиларининг фидокорона меҳнатлари муносиб тақдирланмоқда. Уларнинг турмуш фаровонлиги тобора яхшиланиб бораяпти. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам кўриш мумкин. Шу йилнинг биринчи ярмида ишчиларга мукофот тариқасида 930 минг сўм пул тарқатилди, санаторий ва дам олиш уйларига 450 та путёвка берилди, ишчиларнинг 900 боласи В. Комаров номидаги лагерда ҳордиқ чиқарди, тракторсозларнинг 1250 фарзанди болалар боғчалари ва яслиларида тарбияланмоқда.

Олти ой мобайнида завод ишчиларига 350 квартира ажратилди. Яна 220 оила ўзининг уй-жой шароитини яхшилади. Бундан ташқари янги ошхона қуриляпти, шунингдек, яқин келажакда заводнинг дам олиш уйи фойдаланишга топширилади.

Мана шуларнинг ҳаммаси партия ва ҳукуматимизнинг ишчиларимиз тўғрисида кўрсатаётган ғамхўрлигининг ёрқин тимсолидир. Ана шунга жавобан тракторсозлар беш йиллик ҳал қилувчи йили учун зиммага олган мажбуриятларининг қолган қисмини ҳам муваффақиятли бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Улар йил охирига қадар яна 10 мингта трактор, 18 мингта прицеп, 1 миллион 200 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришади.

● Футбол

ФАХРЛИ СОВРИН УЧУН

Ўтган куни ва кеча фахрли соврин — футбол бўйича СССР Кубоги учун ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди. Ереванда маҳаллий «Арарат» ва Днепропетровскининг «Днепр» командалари иккинчи марта куч синашган бўлсалар, Украина пойтахтида Киев ва Москва динамочилари ўзларининг биринчи учрашувларини ўтказдилар.

Ереванда чемпионат пешқадами — «Арарат» «Днепр» футболчиларини яна 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ёдингизда бўлса арман футболчилари Днепропетровскда ҳам худди шундай ҳисоб билан ғалаба қозонишган эди. Шундай қилиб арман футболчилари 19 йиллик танаффусдан сўнг яна СССР Кубогининг финалида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Шуниси қизиқки, 19 йил муқаддам — 1954-йили ҳам ереванликлар ярим финалда Днепропетровск футболчиларини мағлубиятга учратишган ва финалда Киев динамочилари билан ўйнашган эди. Бу йил улар ким билан ўйнайдилар — Киев динамочилари биланми, ёки москваликлар билан?

Ҳар икки «Динамо» командаларининг кечаги Киевдаги учрашуви 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан тугади. Ҳисобни 14-минутда Еврюжихин очди. 66-минутда Колотов 11 метрли жарима белгисидан ҳисобни тенглаштирди. Командаларнинг такрорий беллашуви, 12 сентябрда Москвада бўлади. Ана шу куни «Арарат»нинг рақиби маълум бўлади.

ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ.

СУРАТДА: Деренедьхазе давлат хўжалигининг омбор-музхонасида. Бу ерда баҳордан кузгача яшикларда 300 центнерга яқин қўзиқорин етиштирилади.

МТИ—ТАСС фотоси.

● Нашриёт туҳфаси

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқлари ва мақолаларини «Партия қурилишининг актуал проблемалари тўғрисида» деган сарлавҳа остида ўзбек тилида тўплам қилиб нашр этди.

Тўплам кўп нусхада нашр этилди.

(ЎзТАГ).

Чўлқуварлар учун фильмлар

«Средазирсовхозстрой» кинолабораторияси ходимлари томонидан Қарши даштини ўзлаштирувчилар учун «Ёпиқ дренаж қурилиши технологияси», «Нов ёрдамида суғориш» деган илмий-оммабоп фильмлар суратга олинди. Киноленталар мелиорациядаги илғор тажриба ва технология тараққиётини пропаганда қилади.

Ёпиқ дренаж қурилиши технологияси ва ундан фойдаланиш методлари, нов каналлардан фойдаланиш қаршиликлар учун алоҳида қизиқиш туғдиради. «Дренаж ювиш машинаси» деб аталган фильм дренаж системаларини ишлатишга бағишланган.

Картиналар ўқув қўлланмаси сифатида Қарши даштини ўзлаштирувчиларга топширилди.

(ЎзТАГ мухбири). Қарши.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

◆ **БУХАРЕСТ.** Бухарестдаги оғир машинасозлик заводининг коллективи меҳнатда катта ғалабани қўлга киритди — қуввати 330 минг киловатт келадиган турбоагрегатнинг синови муваффақиятли тугаллади. Бундай агрегатни Руминия машинасозлари биринчи марта тайёрлашди.

Корхона коллективи ўзларининг бу муваффақиятини миллий байрам — Озодлик кунига бағишламоқда. Янги турбоагрегат Рогожениада қурилаётган иссиқлик электр станциясида ўрнатилади.

◆ ПРАГА. Чехословакияда ҳар 400 кишига бир врач тўғри келади. Бу эса жаҳондаги энг юқори кўрсаткичлардан бири. 28 йил муқаддам Шарқий Словакияда 11 та касалхона бор эди, ҳозир эса бу ерда 8 мингдан кўпроқ ўринли замонавий ускуналар билан жиҳозланган 20 та касалхона бор. Шу давр ичида медицина ходимлари 2,5 минг кишидан 13 минг кишига етди.

Областда медицина муассасаларининг тармоқлари доим кенгайиб бормоқда. Область маркази Шошицеда катта хирургия клиникасининг қурилиши тугалланай деб қолди.

◆ **БУДАПЕШТ.** Венгрияда В. И. Лениннинг меҳнатни ташкил қилиш масалаларига бағишланган асарларининг махсус тўплами нашр этилди. Бу нашрни Кошута номли нашриёт тайёрлаган.

«Непсава» газетаси Лениннинг бу асарлари экономикани интенсив ривожлантириш, илмий негизда меҳнатни юксак даражада ташкил қилиш масалалари биринчи ўринга қўйилаётган ҳозирги вақтда, айниқса муҳимдир, деб таъкидлайди.

◆ КОЛОМБО. Шри Ланка Республикасининг ҳукумати қишлоқ хўжалик техникаси экинларининг давлат корпорациясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу корпорация кунгабоқар, пахта, шакарқамиш ва бошқа техника экинларини етиштиришгина эмас, балки шу экинларни саноат йўли билан қайта ишлаш ва сотишни ҳам ўз назорати остига олади.

Бирлашган фронт ҳукумати мамлакат экономикасида давлат секторининг позицияларини мустаҳкамлаш учун жиддий ғайрат сарфламоқда. Давлат корпорацияларй ана шу йўлни амалга оширишда муҳим восита ҳисобланади. Ҳозир мамлакатда 80 дан кўпроқ мана шундай корпорация бор.

(ТАСС).

Хал қилувчи йилнинг МЕҲНАТ ВАХТАСИ

ПЕШҚАДАМЛАР ХИММАТИ

«Главташкентстрой»га қарашли 3-трест коллективи шаҳримиз қурилиш ташкилотлари орасида бир неча йилдан буён меҳнатда пешқадамлик қилиб келяпти. Ўн йилдан ортиқ вақт ичида мазкур трест бинокорлари кўплаб турар жой, маданий-маиший ва болалар боғчалари қуриб, ҳамшаҳарларимизга совға қилишди.

Коллектив аҳли айниқса сўнгги етти йил ичида меҳнатда қатор муваффақиятларни қўлга киритишга эришди. Жумладан, мавжуд олтита қурилиш бошқармаси ва трест қошида ташкил этилган ишлаб чиқаришни технологик комплектлаш ва таъминот бошқармаси бунёдкорлари ҳамкорликда иш тутиб 1966 йилдан тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йилига қадар умумий майдони 413 минг 50 квадрат метр бўлган турар жой бинолари, бир неча мактаб, 3 минг 410 ўринли болалар боғчалари ва 100 га яқин маъмурий-маиший, шунингдек, бир қатор йирик саноат корхоналари биноларини қуриб, давлат қабул комиссияларига топшириладр. Уларнинг бу меҳнатлари яхши баҳоланди.

1972 йилги қурилиш-монтаж ишлари планини муддатидан илгари адо этиб, СССР ташкил этилган кунининг 50 йиллигини кўтаринки руҳ билан қаршилаган трест бинокорлари ўтган йил шаҳримиз аҳолисига 30 минг 589 квадрат метр турар жой, барча қулайликларга эга бўлган 1104 ўринли мактаб бинолари, 840 ўринли болалар боғчаси, 4-турар жой шаҳарчасида 200 киши қатнаб даволанадиган шифохона, Иттифоқ миқёсидаги парфюмерия фабрикасининг биринчи навбати, «Ташсельмаш» заводининг бир қатор цехлари ва кўплаб саноат корхоналари объектларини фойдаланишга топширдилар.

Бундай улкан ютуқлардан руҳланган коллектив бунёдкорлари бу йил зиммаларига янада юксак социалистик мажбуриятлар олишган. План ва мажбуриятларни 15 декабргача бажариш учун йил бошидаёқ, барча имкониятлардан унумли фойдаланишга киришилди. Ҳамма эътибор бинокорлик материалларини тежашга, ишчи вақтларидан оқилона фойдаланишга ва план топшириқларини ортиги билан адо этишга қаратилди. Натижада тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили етти ойлик иш плани эҳёдаси билан удаланди. Яъни трестда меҳнат қилаётган 2 мингдан ортиқ бунёдкорлар меҳнатининг илғор усулларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, бош пудрат бўйича 17 миллион 521 минг сўмлик иш бажариб, плани ортиги билан адо этдилар.

Бундай улкан ютуқларнинг қўлга киритилишида энг илғор ҳисобланган 5, 16, 23, 30-қурилиш бошқармалари каби қўплаб ташкилот бинокорлари айниқса муносиб ҳисса қўшдилар.

Меҳнатда юқори натижаларнинг қўлга киритилишида трест инженер-техник ходимларининг ҳам улуши катта бўлянти. Объектларда иш яхши ташкил этилиб, бригадирлар эса самарали меҳнати билан бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Трест коллективи ўртасида ўзаро социалистик мусобақанинг яхши йўлга қўйилганлиги ҳам планларнинг муntазам равишда ошириб бажарилишига олиб келмоқда. Ҳар бир бошқарма бинокорлари бир-бирлари билан ўзаро мусобақалашган. Мусобақа шартлари ҳар кварталда ҳисоб қилиб, голиблар мукофотланиб турилади. Қурувчиларни рағбатлантириш ва уларга намунали маданий-маиший хизмат кўрсатиш эса трест партия ташкилоти ва бирлашган касаба союз комитети раҳбарларининг диққат марказидадир.

Ойлик ва кунлик иш нормаларини 150 процентга етказиб адо этаётган меҳнатсевар бинокорлар сафи трестда кун сайин ортиб бормоқда. 36-қурилиш бошқармасининг комплекс бригада бошлиғи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, трест бирлашган касаба союз комитети раисининг ўринбосари А. П. Иноземцев, 23-қурилиш бошқармаси дурадгори, коммунистик меҳнат зарбдори З. Тожиев, 5-қурилиш бошқармасининг ишчиси. «Ҳурмат белгиси» орденли Е. Калашникова, 15-қурилиш бошқармасининг комплекс бригада бошлиғи. Октябрь революцияси ордени кавалери С. И. Дегтярев, 5-қурилиш бошқармаси дурадгори, «Ҳурмат белгиси» ордени эгаси Б. Муносибов каби илғор ва ташаббускор бинокорлар шу кунларда келгуси йил ҳисобига меҳнат қилишяпти. Бундай илғор қуруvчилар трест бошқармаларида кўплаб топилади.

Меҳнатнинг илғор усуллари ишга солинаётганлиги коллективга янада катта фойда келтирмоқда. Шу кунларда трестда тўртдан ортиқ бригада Н. Злобин усулида иш юритяпти. Дастлабки натижалар яхши бўлмоқда. А. Отахонов бригадаси болалар боғчаси қурилишида 7 минг сўмдан ортиқ фойда олди. В. Гергенрейдер ва Х. Алюков бошлиқ злобинчилар ҳам меҳнатда яхши натижаларни қўлга киритяптилар.

Республикамиз олтин тўйини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилган трест бинокорларининг зиммасида янада масъулиятли вазифалар турибди. Улар тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида бош пудрат бўйича 28 миллион 538 минг сўмлик, ўз кучлари билан эса 11 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришлари керак. Бунинг учун бор имкониятлар ишга солиниб, парфюмерия фабрикасининг иккинчи навбатини, шаҳримизда энг йирик қурилиш объектларидан бири — 1-пойафзал фабрикасини, «Янгиобод» массивида 400 ўринли қишки кинотеатр, республика Геология министрлигининг лаборатория корпусини, Химия—фармацевтика заводи корпусини, 840 ўринли болалар боғчаси, 1200 ўринли мактаб, 750 кишилик поликлиника, Бетон қоришма заводи каби бир қанча саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарини, маданий-маиший хизмат кўрсатиш биноларини қуриб фойдаланишга топширадилар. Шунингдек, трест аҳли бу йил шаҳримизда саноат корхоналаридан ташқари 15 минг квадрат метрдан зиёд турар жой биноларини қуриб ҳамшаҳарларимизга туҳфа этадилар.

Трестнинг 23-қурилиш бошқармаси бинокорлари Оҳангарон цемент комбинати ишчилари учун Оҳангарон шаҳрида 400 квадрат метрдан ортиқ турар жой биносини фойдаланишга топширдилар.

Ўзаро социалистик мусобақаларда актив қатнашаётган бинокорларнинг унумли меҳнати туфайли, ярим йил ичида шаҳримизда кўпгина турар жой, маданий-маиший бинолар фойдаланишга топширилди. Жумладан, Муқимий кўчасида озиқ-овқат магазини 1-бетон-қоришма заводи, Сергели шаҳарчасида ихтисослашган база. 4-турар жой шаҳарчасида 1104 ўринли 69-мактаб биноси, Қўйлиқ массивида ишчилари учун 400 ўринли ётоқхона биноси ва ўндан ортиқ саноат корхоналари объектлари муддатидан анча илгари фойдаланишга топширилди.

Бир сўз билан айтганда ярим йиллик қурилиш-монтаж ишлари планини ортиғи билан адо этган пешқадам 3-трест коллективи йиллик планни ҳам муддатидан аввал бажариш учун имкониятлардан янада унумли фойдаланмоқда.

Э. ЖЎРАЕВ.

Беш йиллик вахтасида

«Агрегат» заводининг ишчан коллективи пахта териш комбайнлари учун кўплаб редукторлар тайёрлаб бермоқда. Ҳар куни корхонанинг тайёр махсулот жўнатиш майдонидан мингларча комплект редукторлар ортилган платформалар «Узсельхозтехника»нинг тарқатиш базаларига ҳамда «Ташсельмаш» заводининг йиғув цехига жўнатилади.

СУРАТДА: илғор А. Мавренков бош бўлган бригада ишчилари редукторларни тайёрлаш пайтида.

М. Нуриддинов фотолари.

Олимлар ҳамкорлиги

«Пегас» илмий-тадқиқот кемаси, Сахалин олимларининг сузувчи лабораторияси Тўртинчи Тинч океан экспедициясини тугаллагандан кейин Корсаковга қайтиб келди. Унинг бортида Ернинг магнит ва гравитацион майдонини тадқиқ этувчи совет мутахассислари, геологлари ва гидрологлари билан бирга денгиз геологияси соҳасида мутахассис, Токио университетининг профессори Хитоси Аоки ҳам бор эди. У Хоккайдо оролининг шарқий томонидаги денгиз тоғ жинсларини ўрганишда иштирок этди.

—«Пегас» япон портларига кирган пайтларида, — деб ҳикоя қилади экспедиция раҳбари, геология-минералогия фанлари кандидати Михаил Красний, — биз япон геофизиклари билан тез-тез учрашиб турдик. Жумладан, Хоккайдода биз денгиз обсерваториясида ва балиқ институтида бўлдик, япон ҳамкасблар билан биргаликда келгусидаги биргаликда қилинадиган тадқиқотларимиз истиқболларини муҳокама қилдик. «Пегас» ва япон илмий-тадқиқот кемаси «Хакухо— мару» иштирокида Охотск денгизига экспедиция уюштириш ҳақида сўз борди. 1973 йил 28—29 октябрда совет геофизик олимлари билан биргаликда Тинч океаннинг шимоли-ғарбий қисмининг юзага келиши ва эволюциясига бағишланган илмий семинар ўтказилади.

Карл РЕНДЕЛЬ.
АПН мухбири.

Шаҳримиз кўркам ва озода бўлсин

ЭСКИ МАҲАЛЛАНИНГ НАВҚИРОНЛИГИ

Тошкентлик темирйўлчи Акбар Аҳмедов кўз ўнгимда мўъжиза рўй берди, деб онт ичишга ҳозир. Унинг кўҳна кулбаси шинам ҳонадонга айланиб қолди. Атроф эса, бундан ўн йил муқаддам қандай бўлса, худди ўшандай.

Акбар ёнидаги ўрик дарахтини жилмайиб туриб кўрсатаркан, деди:

— Бу ўрикни отам ўз қўли билан ўтказган.

Ундан сал нарироқда таниш тераклар, олма дарахтлари кўзга ташланади. Акбар ёш боладлик пайтида чўмилган канал суви ҳамон оққани-оққан. Мана ён девор қўшниси Зиёвуддин Нуриддиновнинг овози келяпти нарига ёқдан. Қариндош-уруғлари унинг ҳовлисидан авваригидек бори-йўғи икки қадам нарида истиқомат қилишади. Одатдагидек яқинигинадаги Беруний кўчасидан трамвайлар, троллейбуслар, автобуслар қатнагани-қатнаган...

Унинг ҳаётига синтиб кетган ва кўзи ўрганиб қолган ўнлаб, юзлаб нарсалар сақланиб қолган. Фақат тор кулбасигина ўз ўрнида йўқ. Бамисоли мўъжизали, сирли шамоднинг амри билан уйнинг ўрни ўзгариб қолгандек. Кўҳна бинонинг ўрнида ҳозирги замон биноси қад кўтарди.

Аҳмедов ўзининг бешта кенг хонасини ифтихор билан кўрсатади. Бу хоналар нарвон билан туташган икки қаватдан иборат. Ёмахона, ётоқ хона, болалар хонаси, кабинет бор. Ошхона, ванна, туалет, иссиқ ва совуқ сув оқиб турадиган никелланган кранлар ялтираб турибди, марказий иситиш системасига туташ линия, табиий газ ҳам бор. Энг муҳими пастки қаватдан каттагина мосланган боққа ўтиш мумкин. Ҳоҳласанг дарахтларни парвариш қил, токларга, гулларга қара. Иссиқ бўлса, ариқнинг бўйига бор. Юқорида эса каттагина болохона.

Шу кеча-кундузда биргина ана шу темирйўлчи мўъжиза тўғрисида гапираётгани йўқ. Марказ — 27 экспериментал кварталидаги ўз хонадонларини янгидан қурган ана шу маҳалладаги кўпгина бошқа аҳоли ҳам шу ўзгаришни сезиб турибдилар. Тошкентнинг кўҳна қисмини тубдан реконструкция қилиш худди ана шу кварталдан бошланди.

Албатта, ўз ёшини яшаб бўлган ана шу лойсувоқ кулбаларни бузиб ташлаш учун бульдозерни ишга тушириш, бўшаб қолган майдон ўрнида кўп қаватли баланд уйларни кенг қаторлаштириб қуриш осон эди. Лекин ерга, боққа ўрганиб қолган асосан катта-катта оилаларнинг уйларини реконструкция қилиш кераклиги билан ҳисоблашмасдан илож йўқ эди. Шунинг учун уйларни бузиб ўтирмасдан маҳаллий аҳолининг манфаатларига тўла-тўкисроқ мос тушадиган бошқача йўлни қидириш яхшироқ эмасмикан. Ташгипрогорнинг бешинчи устахонасида шундай масала устида бош қотиришди ва кварталнинг ўзига хос лойиҳаси туғилди, бу лойиҳа ўзида эскисини ҳам, янгисини ҳам уйғунлаштира оларди, шаҳарсозлик традицияларини унча бузиб ўтирмасдан, айни пайтда шу жойда янги уйларни барпо этишнинг индустриал методларини қўлланиш имконини ҳам берарди.

Архитекторлар бир мунча вақт мобайнида гўё «конструктор» бўлиб ўйнаётган болаларга ўхшаб кетишди. Уларнинг ҳам бир хил деталлардан турли конструкцияларни йиғиши шарт эди. Лекин бу гал Тошкент уйсозлик комбинати ишлаб чиқарган стандарт панелларгина ҳисобга ўтарди. Бу панеллардан тўрт ва беш қаватли бинолари барпо этилади. Алоҳида тартибда йиғилган ана шу панеллардан мосланган боғи бор иккита квартирали икки қаватли коттежлар қурилади. Бундай коттежлар ҳам қулай, ҳам арзон.

Кварталда ҳозирнинг ўзидаёқ 56 квартирали учта блокка кишилар кўчиб киришди. Жами 389 та квартира барпо этиш керак. Буларнинг ҳаммаси бошқа Акбар Аҳмедов оиласи кўчиб кирган квартирага ўхшаш бўлади. Бу квартираларни «котлован» ўрнига ордер олган ана шу маҳалла аҳолиси эгаллайди. Иложи борича ҳар бир оилага ўзининг участкаси берилади. Қурувчилар ғоят эҳтиёткорлик билан ишлашга ҳаракат қиладилар. Жуда зарур бўлиб қолган тақдирдагина дарахтларни кундаклаб қиладилар. Хуллас, маҳалла бамисоли яшаргандек бўлиб қолади.

Кварталнинг архитектура қиёфаси коттежлардангина иборат эмас, 26 гектарлик участканинг ҳаммасига архитекторлар кўп қаватли иморатларни қўйиб чиқишди. Соябонлари бор, ўзбек меъморчилигини такрорлаб турадиган шинам тўққиз қаватли баланд иморатлар ўртада гўё фахрий посбондек қад кўтариб туради. Баланд иморатларнинг ёнига маҳалла жамоат марказларининг кўпдан-кўп блоклари — магазин, чойхона, кафе, маиший хизмат кўрсатиш устахоналари, алоқа бўлими, аптека қурилади. Ана шу маиший хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг бир қисми қўшимча қурилган биноларнинг томига жойлаштирилади. Уйларнинг остида эса, шахсий фойдаланишдаги машиналар учун гараж қурилади. Кварталда поликлиника, кинотеатр, музика мактаби, болалар муассасалари қад кўтаради.

Акбар Аҳмедов ва унинг юзлаб ҳамҳаллалари ўзларининг янги уй-жойларидан мамнун бўлишмоқда. Минг-минглаб тошкентликлар янги экспериментал кварталга иштиёқ билан назар ташламоқдалар. Чунки улар янги кварталга қараб ўзларининг бўлажак участкаларини кўз олдиларига келтирмоқдалар. Лекин ҳозирги коттежлардан уничалик ҳурсанд бўлмаган кишилар ҳам бор. Оиласида 12—14 киши бор бўлган катта хонадонларга бешта хона ҳам торлик қилиб қолади.

Бу проблема осон ҳал қилинадиган проблема эмас. Статистика маълумотларига қараганда, тошкентликларнинг 120 минг кишиси шундай оилалар бирлаштириб турибди. Хўш, қандоқ қилиш керак? Бу саволга Ташгипрогор томонидан тўрт қаватли гиштин уй биносининг тузиб чиқилган лойиҳаси жавоб бериши мумкин. Бу лойиҳани архитектор Г. И. Коробовцев ва бош инженер Е. Н. Чичева тузиб чиқишган. Улар томонидан бутун микрорайон лойиҳаси ҳам тузиб чиқилган. Қурилаётган уйда 60 та катта-катта квартира бўлади. Ердамчи биноларнинг майдони анча кенгайтирилган: квартираниинг ёзлик ошхонаси, антресоли, девор ичига ўрнатилган турли жовонлари бўлади. Қаватга кўтариладиган кишиларнинг ҳам қадами ердан узилмайди. Икки қаватни юқоридан эгаллайдиган ҳар бир оиланинг ҳовлиси бўлади. Баъзи ҳовлилар баландга кўтарилган бўлади. Тошкент шаҳрининг кўҳна қисмида қурилиш конвейери ўсиб, кенгайиб бормоқда. Марказ—27 кварталидан кейин Марказ— 26 квартали барпо этилади. Кўҳна маҳаллалар яшармоқда, бутун Тошкент билан баб-баравар қадам ташлаяпти.

Г. ЛИПШИЦ.
ЎзТАГ мухбири.

ЧИНОР

▲ ЯХШИ ФАЗИЛАТЛИ КИШИЛАР

Миржалол отага ҳар куни тонгда туриш одат бўлиб қолган. Мана бугун ҳам уйқудан нўзини очганда уфқ эндигина ёришиб келаётган, қуёшнинг заррин нурлари тоғ чўққиларини астасекин зарга ўрай бошлаганди. Ота оқ белбоққа тушлик учун у, бу тугиб йўлга тушди. Бу йил етмиш ёшга тўлган отанинг, ўз ибораси билан айтганда эсини танибдики, қўлидан кетмон тушмайди. Отанинг умри богдорчилик билан ўтаяпти. У «Ботаниклар боғи» деб ёзиб қўйилган катта темир дарвоза панжарасини уриб, қоровулни чақирди. Бир зумдан кейин, дарвоза ёнидаги эшикча очилиб ундан қоровул чиқди. Ота боққа кириб, чаналакзор ичидан кетмонини олди-да боғ айланиб кетди. Юз гектарча бу богда турли ўсимликлар бор. Минглаб дарахт ва ўсимликлар, доривор гиёҳларнинг хушбўй ҳиди димоққа урилади. Миржалод отага уларнинг кўпчилиги таниш, баъзиларига ўзича ном ҳам қўйиб олган. Уларнинг «тили»ни яхши билади. Катта-катта олимлар ҳам отанинг суҳбатини мириқиб тинглайдилар. Ота шахсий тажрибаларини сўзлаб беради. Боққа кирган киши ўзини дунё кезиб юрган сайёҳдек ҳис этади. Негаки, бу ердаги қалин чаналакзорлар, сунъий кўлчалар, тепачаларда ўскб турган ўсимликларни кўриб, ўзингизни, ўрмонзорларда, тоғ ёнбағриларида юргандек ҳис этасиз.

Ота қалин чаналакзорлардан ўтиб тор асфальт йўлакка чиқди. Кечагина бутаб олинган тол новдаси йўлакка кўндаланг тушиб қолибди. Ота уларни йиғиштиришга киришди. Қуёш кўтарила бошлади. Боғ ҳавоси анча тоза, ота ҳар тонгда бу енгил ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олади. Узини жуда тетик ҳис қилади. Отанинг назарида бу нурафшон япроқларда қанчадан-қанча сеҳр бор. Улар қуёшдан нур эмиб, дори-дармон тўплайди. Эндигина кўтарилаётган офтоб нурлари, очиқ сайхонликдаги йўлакни ёритганда ота шох-шаббаларни бир жойга тўплаб бўлган эди. У кетмонни елкасига ташлаб, дўппи устидан боғлаб олган қийиқни қайта тузатиб йўлакдан юриб кетди.

«Америка иқлимида ўсадиган ўсимликлар» — деб ёзиб қўйилган тахтачадан ўтиб, катта чинор олдида тўхтади. Чинор танасида «1948 йилда экилган», деб ёзилган тахтача илинлиқ. Чол дарахтга хомуш бўлиб тикилиб қолди. Чинорга боқарман, зайфигина нигоҳчани ушлаб турган Петр Каревич кўз олдида гавдаланди.

—Бир йилда бир ярим метр ўсади, дейишади. Кел, экишга ёрдамлашиб юбор, соясида дам оласан, —деди Петр Каревич ўзбекчани бузиб талаффуз қиларкан. Худди нечагидек... Умр тез ўтар экан, ўшанда мана шу чинор каби бақувват йигит эди. Тез орада «Коммунизм» колхози ерлари боққа қўшилиб кенгайиб кетди. Мана, эндиликда бўлса, катта ютуқлар уларники. Камёб ўсимликлар уруғини кўпайтириш отанинг ҳам, олимларнинг ҳам, асосий диққат марказида турибди. Улар экиб парваришлаётган ниҳоллар республикамизнинг кўпчилик районларига тарқатиладн. Богда ўсимликларни бир-бирига пайванд қилиш асосида уларнинг турини кўпайтириш, иқлимга мослаштириш ишлари олиб борилади.

Бултур 90 минг туп дуб, 40 минг сирен экилган эди. 15 гектарини тажриба майдонида 20 хил сирен ниҳоллари ўсяпти. Кеча ота уларга сув тараб турар экан, агроном Лутфулла Абдуллаев унинг ишига разм солиб деди: — Роса мириқтирибсиз-да, ота-хон.

Ота бир маромда оқиб турган сувга қараб бу мақтовга ҳеч нима демади. Нуроний кўзларида бир лаҳзалик қувонч учқунлари кўринди, холос. Нима ҳам десин. Агроном бола унинг ўз фарзандидек бўлиб қолган. Лутфулла шу богда ишчи бўлиб ишлаганда ота унга кўпгина нарсаларни ўргатганди. Институтни битириб яна шу ерга ишга келди.

—Жаннатдаги жамики нарса бу ерда бор,— деди ота менга қараб. — Мана наъматак, унга атиргул, қоқигул, чинигул пайванд қилинади. Лугустрни сиренга пайванд қиламиз. Яна икки ҳафтадан кейин пайванд ишлари бошланади. Ўшанда келсангиз, пайванд қилишни ўрганиб кетасиз. Шундай қилиб, уларнинг турлари кўпайтирилади. Ҳозир богимизда 300 дан ортиқ турли-туман гуллар ўстирилаяпти.

Биз Миржалол ота Аъзамов билан икки соат чамаси боғ айландик. Тангадек офтоб тушмайдиган йўлакдан ўтар эканмиз, ота ўсимликлар, ҳар хил мевали ва манзарали дарахтлар тўғрисида сўзлаб берди. Япроқлар шамолда секин шитирлайди, Атиргул, ромашка, чиннигул, қоқигул, гулхайриларнинг ҳиди димоққа урилади. Узоқ-узоқларга чўзилиб кетган боғда катта чинор киши диққатини ўзига тортади. У бошқа дарахтлардан кўра юқорилаб ўсган. Миржалол ота япроқларга узоқ термулиб хаёл суради. Шу чинор соясида нонушта қилдик. Мен бу куроний отахонни кузатар эканман, бенхтиёр уни чинорга қиёс қилгим келди.

Д. ҲАҚНАЗАРОВ.

Комсомол аъзоси Раҳимжон Иброҳимов «Союзпечать»га қарашли автомашиналар колоннасининг беш ишчан шоферларидан бири. У машинаси билан ҳар куни шаҳримизнинг Киров районидаги 21 та киоскага янги газета ва журналларни етказиб беради. У зарбдор комсомол ёшлар бригадаси аъзоси.

СУРАТДА: Р. Иброҳимов навбатдаги рейсга жўнаш олдида.

● *Саволларингизга жавоб берамиз*

Касаллик варақасига ҳақ тўлаш

Ҳурматли редакция, мен 1973 йил 2 январь кунидан бошлаб қаттиқ шамоллаш туфайли касалхонага тушиб қолдим. Ўша вақтдан бери, касаллик варақасида юрибман. Врачларнинг айтишига қараганда, яна узоқ вақт ишлай қобилиятига лойиқ эмас эканман. Шу ўтган муддатлар давомида менга берилган касаллик варақаларига тўла ҳақ тўланадими ёки йўқми? Шу ҳақда маълумот берсангиз?

Н. ИУЛДОШЕВ.
Тошкент область Янгийўл райони.

СССР Министрлар Советининг 1955 йил 22 январь 113-сон қарори ва унга ВЦСПС билан СССР Соғлиқни Сақлаш министрлиги ниритган қўшимчаларга асосан, касаллик варақасига маошнинг ўртача ҳисобида ҳақ тўланади.

Касаллик ёки лат ейиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда, касаллик варақаларини поликлиника, амбулатория, диспансер, касалхона ва соғломлаштириш пунктларининг даволовчи врачлари берадилар.

Сил, руҳий ва венерик касалликларга чалинган ҳолларда касаллик варақаларини махсус даволаш муассасаларининг врачлари берадилар. Беморлар умумий даволаш муассасаларига мурожаат қилганларида, врач уларга уч кунгача муддатга касаллик варақаси бериши мумкин.

Махсус даволаш муассасалари йўқ жойларда беморларга касаллик варақаларини умумий даволаш муассасаларининг врачлари бериши мумкин.

Касаллик ёки лат ейиш отпуски врач-меҳнат эксперт комиссиясининг хулосасига биноан, меҳнат қобилияти тикланишга қадар бериб турилади. Уйда лат ейиш сабабли, меҳнат қобилияти йўқотилса, дастлабки беш кунга даволаш муассасаси справка беради. Олтинчи кундан бошлаб, эса касаллик варақаси тўлдирилади.

Касаллиги узоққа чўзилган кишилар меҳнатга лаёқатсизлиги бошланган кундан тўрт ойдан кечиктирмай ёки кейинги 12 ой мобайнида касаллиги яна қайталанса, врач-меҳнат эксперт комиссияси кўригидан ўтказишга юборилади. Сил касаллигига чалинганлиги оқибатида меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотган ишчи ва хизматчилар эса, ишга лаёқатсизлиги бошланган кундан бошлаб, ўн ойдан кечиктирмай, врач-меҳнат эксперт комиссиясининг кўригидан ўтказишга юборилади-лар.

Башартн кўрин вақтида бемор инвалид деб ҳисобланмай, у вақтинча меҳнатга лаёқатсиз деб топилса, касаллик варақаси ўзайтириб берилиши лозим.

Касаллик варақаси олти кунга берилади. Бундан ортиқ муддатга касаллик варақасини ўзайтириш фақат бош врачнинг ёки мазкур даволаш муассасасида ташкил этилган врачлик-консультация комиссиясининг тасдиги билан ҳал қилинади.

Подъёмник» заводида тайёрланаётган оғир юк. ларни кўтарувчи кўтарма механизмларга бўл. ган талаб мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам тобора ортиб бормоқда. Корхонанинг экспорт цехида ўнларча мамлакатларнинг буюртмалари тайёрланмоқда.

СУРАТДА: экспорт цехида тайёрланаётган кўтарма механизмлар.

Ўзбек халқ эпик ижодиёти қадимий тарихга эга бўлиб унда меҳнаткаш халқ оммасининг дунёқараши, бахт ва адолат, озодлик ва ҳуррият ҳақидаги орзу-истаклари акс этган. Айниқса қабила ва элат мудофааси, эркин ва фаровон диёр орзуси, чин севги, садоқат мотивлари куйланган «Ойсулув», «Якка Аҳмад», «Кунтуғмиш», «Гўрўғли», «Далли», «Холдорхон», «Равшан», «Қундуз билан Юлдуз», «Хушкелди» сингари достонлар тўдаси мавжудки, улар оғзаки ижод хазинасининг ажойиб дурдоналари ҳисобланади. Ана шу достонларнинг Эргаш Жуманбулбул ўғли куйлаган варианти эса ўзининг таъсирчан. лирик йўналиши билан ажралиб туради. Ҳар бир асар бир бутун композиция, ҳамда яхлит воқеалар тизмасига эга. Образлар системаси аниқ ва равшан, бадиий жиҳатдан пухта, табиат ва жамиятнинг зиддият ва мураккаб томонлари кенг ва чуқур ифодаланган. Бугина эмас, Эргаш Жуманбулбул ўғли ўзбек фольклорининг пешқадам вакили сифатида анъанавий халқ достонларини бадиий юксак даражада сақлаб қолиши билан бирга социалистик тузумнинг актуал воқеаларига бағишлаб янги-янги асарлар ҳам яратди. Шунга қарамай, кейинги даврларгача шоир меросининг айрим томонларигина ўрганилган, ундан ёзиб олинган бир неча достонларгина қисқартирилган ҳолда нашр этилган эди. Шоир асарларининг нисбатан мукаммал нашрларини амалга ошириш, унинг ижоди хусусиятларини илмий-монографик асосда ўрганиш ўзбек фольклоршунослиги олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб келаётган эди.

УЛКАН МЕРОС ТАЛҚИНЛАРИ

Ўзбек фольклористикасининг асосчиси, марҳум профессор Ҳ. Т. Зарифов бошчилигидаги бир гуруҳ фольклоршунос олимлар М. Афзалов, М. Алавия, Т. Мирзаев, Ш. Шоабдураҳмонов. З. Ҳусановалар бундай шарафли ва масъулиятли вазифани бажаришга киришдилар. Натижада 8 китобдан иборат шоир меросининг нашри ва тадқиқига бағишланган ишлар цикли юзага келди.* Талантли халқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди ва репертуарининг барча томонларини қамраб олган бундай улкан ишлар циклининг нашр этилиши маданий ҳаёт тарихида юз берган муҳим воқеалардан биридир.

Аввало шуни айтиш керакки, шоир куйлаган, ижод этган асарларининг мукаммал, тўлиқ нашри биринчи марта амалга оширилди. Томларга кирган асарларнинг ҳаммаси ҳам ғоявий-бадиий жиҳатдан энг яхши, эпик жанр ва унинг тараққиёт йўлини ўрганишда зарур бўлган ва намуна бўла оладиган асарлар сирасига киради. Чунончи «Ойсулув», «Холдорхон», «Якка Аҳмад» сингари қаҳрамонлик, жангнома типидаги достонларининг ҳар бири ўзига хос, воқеалар йўналиши изчил бўлиб, ўзаро мантиқ жиҳатдан тўғри боғланган, композицияси ҳамда сюжет чизиғида уйғун образлар галереяси мукаммал, ҳар бир поэтик лавҳа маълум мақсадни очиш, аниқлаш ва тасдиқлаш имконини беради. Тўғрилик билан эгрилик ўртасидаги кураш анъанаси асосан бош масала қилиб кўтарилган. Ҳар бир тўқнашув ниҳояси ақл ва адолат, мардлик ва қаҳрамонликнинг тантанаси билан якунланади, зулм ва зўрлик, жаҳолат ва мақтанчоқлик, хасис ва айёрлик каби эксплуататор синф вакилларига хос ахлоқ нормалари фош этилади. Ўткир ақл ва гўзал хулқ, назокат ва вафодорлик бобида тенгсиз аёллар шахси улуғланади, кўкка кўтарилади. «Равшан», «Далли», «Қундуз билан Юлдуз», «Хушкелди» каби достонларда эса, чин севги, садоқат, романтик саргузашт ҳамда қаҳрамонлик мотивлари асосий ўринни эгаллайди. Халқнинг демократик кайфияти, адолатли шоҳ, камбағалдан шоҳ кўтариш истаги Гўрўғли образида, исёнкор руҳ эса Жанжал, Айноқ, Жайноқ, Эрсак, Терсак, каллар қиёфасида намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шоирдан ёзиб олинган асарларнинг аксарият қисми биринчи марта илмий жамоатчиликка тақдим этилмоқда. «Холдорхон», «Якка Аҳмад», «Алибек билан Балибек», «Таржиман ҳол» сингари йирик достонлар, жуда кўп анъанавий ва замонавий термалар шундай асарлар жумласидандир. Эргаш шоир асарларининг нисбатан тўла нашрининг амалга оширилиши жуда катта текстологик тадқиқотларнинг натижасидир. Ушбу нашр билан боғлиқ қўлга киритилган тажрибалар фольклор асарларини текстологик жиҳатдан ўрганувчи ва нашр этувчиларга ибрат бўлғусидир. Зеро, ҳар бир китобда тайёрловчиларнинг ўткир зеҳни, маҳорати яққол кўзга ташланади. Қайси бир китобни қўлга олманг, унда нашр муаллифларининг ҳар бир қўлёзмани қунт билан ўқигани, чуқур мулоҳаза юритиб ишга ёндошгани, айниқса, илмий аппаратнинг мукаммаллиги, истеъмолдан тушиб қолган, маъноси ноаниқ сўзлар луғатининг берилганлиги изоҳларнинг батафсиллиги ва мўлкўллиги сезилиб туради. Бу унинг илмий-методик жиҳатдан юқори савияда бажарилганлигидан далолат беради. Достон текстларида ўзига хос томонлар тўла сақланган. Текстнинг назм ва насрий қисмлари айнан берилган бўлиб, ўринсиз қисқартиришлардан ҳоли. Ҳар бир достон ва термалар тексти биринчи қўлёзма манбалар асосида, баъзан вариантлари билан биргаликда берилган. Бундай иш ҳар бир текстнинг илмий, назарий қимматини ошириб, оғзаки ижод намунасининг ҳаёти, ўзига хос томонларини тушуниб етиш, аниқлик киритиш имконини яратган. Ҳар бир томга кирган достонлар тартиби қулай, ўз ўрнида, бири иккинчисининг давоми сифатида келиб, бир-бирини тўлдирган, мукаммал ҳолга келтирган: гўё бир бутун достонлар туркумини ташкил этган.

Эргаш Жуманбулбул ўғли адабий меросини текстологик ўрганиш шоир ижоди билан боғлиқ бир қанча масалалар бўйича кенг тадқиқотлар олиб боришга имкон яратди. Муаллифлар ўз текширишларида фольклорнинг кам ўрганилган томонларига алоҳида эътибор бердилар. Достончилик мактаблари ва унда бахшининг ўрни, репертуар ва куйчининг маҳорати, достончилик босқичлари ва халқ ижодига ёзма адабиётнинг таъсири, анъанавий поэтик тил ва Эргаш шоир новаторлиги каби проблемалар биринчи марта атрофлича тадқиқ қилинди ҳамда Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ўзбек халқ поэзиясида тутган салмоқли ўрни асослаб берилди. Бир халқ достончиси ижоди ва репертуари асосида бундай ишлар туркумининг юзага келиши Совет Иттифоқида амалга оширилган дастлабки тажрибалардандир.

«Халқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўғлининг бадиий меросини тадқиқ қилиш ва чоп этиш (8 китобдан иборат) ишлар цикли»нинг яратилиши ўзбек фольклористикаси эришган улкан ютуқ ҳисобланади ва унинг Ҳ. Т. Зарифов (иш раҳбари, марҳум), Т. Мирзаев, М. И. Афзалов, М. А. Алавия, Ш. Шоабдураҳмонов, З. Ҳусановалардан иборат муаллифларининг Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига тақдим этилиши ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга лойиқдир.

К. ИМОМОВ.
филология фанлари кандидати.

*). Қаранг: Булбул таронлари. Беш томлик, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1971—1973; Эргаш Жуманбулбул ўғли, икки томлик, Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971—1972; Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1971.

Фикрдошлар анжумани

Комил ЯШИН,
Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан алоқа қилиш Совет комитетининг раиси

15 йил муқаддам Осиё ва Африканинг тараққийпарвар ёзувчилари Тошкентда ўзларининг таъсис этувчи конференциясига йиғилдилар. Ушанда қабул қилинган жаҳон ёзувчиларга мурожаатда шундай дейилганди: «Биз сизни халқ ҳаёти билан боғланган ва унга ер юзида ақл ғалабаси ва адолат тантанаси учун курашда ёрдам берадиган адабиётни яратиш имконини берадиган ҳақиқатни, гўзалликни ва озодликни излашда биз билан бирга боришга чақирамиз».

Ер юзининг икки қитъасидаги тараққийпарвар ёзувчиларнинг дўстлик ва қардошлик руҳи, ҳозирги замон адабиётчилик ҳаракатида интернационализм ва демократия руҳи, санъаткорнинг халқ ишига, озодлик, тинчлик, социализм идеалларига содиқлиги руҳи шундай пайдо бўлди.

15 йил муқаддам биз Осиё-Африка ёзувчилари ассоциациясини таъсис этаётиб, катта ва шонли келажагимиз борлигини билгандик. Бугунги кунда шу йил сентябрь ойида Олмаотада бўладиган V конференцияга тайёрланаётиб, биз ҳаққли равишда шундай деёламиз: «Ҳа, бизнинг буюк келажагимиз бор, лекин бой ўтмишимиз — ўз ютуқларимиз ва ғалабаларимиз, ўз анъаналаримиз ҳам бор». Миллий маданиятларнинг ўнлаб соф булоқлари кенг жўшқин интернационал оқимга қўшилди. Африка Осиё ёзувчилари ҳаракати ривожланаётган мамлакатларда адабиётнинг ривожланишини тезлатди, бадиий интеллигенциянинг барча демократик кучларини империализм, ирқчилик ва мустамлакачиликка қарши биргаликда курашга жалб қилди.

Ассоциация амалга ошираётган ишларнинг самарадорлигининг энг яхши ва энг муҳим далили Осиё ва Африка ёзувчилари яратган асарлардир. Империализмга, мустамлакачиликка, ирқчиликка қарши ғояни кўтариб чиққан романлар ва повестлар, шеърлар ва поэмалар, пьесалар ва публицистик мақолалар кўпайди. Масалан, Миср Араб республикасининг таниқли ёзувчиси, ассоциациямизнинг бош секретари Юсуф Ас-Сибоийнинг; курашаётган Португалия мустамлакасининг вакили, анголалик ёзувчи Санд Мангаснинг; таниқли ҳинд ёзувчиси Шабхаш Мукхопадхай ва бошқаларнинг романлари худди шундай руҳдадир. Ассоциация билан фаол ҳамкорлик қилаётган кўпгина совет ёзувчиларининг асарлари ҳам худди шундай руҳда. Мен тожик шоири Мирзо Турсунзода, ўзбек шоираси Зулфия, рус шоирлари ва публицистлари Николай Тихонов, Анатолий Софроновнинг китобларини, қирғиз Чингиз Айтматов, қозоқ Анвар Олимжонов, туркман Берди Кербобоев китобларини назарда тутаяпман.

Олмаотадаги V конференция минбаридан туриб ёзувчилар босқинчиликнинг барча кўринишларига қарши, ирқчилик ва мустамлакачиликка қарши ўз муносабатларини билдирадилар. Ижодий ва ташкилий масалаларнинг кенг доирасини муҳокама қиладилар.

(АПН).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ПЎЛАТ МАГИСТРАЛЛАРНИНГ ВЕТЕРАНЛАРИ

ГАВАНА. Куба темир йўл транспортида эллик йилдан кўпроқ меҳнат қилган халқ хўжалиги ана шу тармоғи энг кекса ходимларидан 110 кишига меҳнат соҳасида ватан олдидаги хизматлари учун фахрий ёрлиқлар топширилди.

Фахрий ёрлиқларни топширишга бағишланиб Гаванада ўтказилган ана шу тантанали маросимда Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, транспорт министри Антонио Энрике Луссон нутқ сўзлади. У темир йўл транспортининг ветеранлари ўз касбига садоқатлари, кундалик фидокорона меҳнатлари билан мамлакат халқ хўжалигининг ана шу тармоғини ривожлантиришга, Кубада социализм қуриш ишига муҳим ҳисса қўшаётганликларини таъкидлаб ўтдилар.

(ТАСС).

ЖЕРДАП РЕКОРДЛАРИ

БЕЛГРАД. Дунайдаги «Жердап» гидроэлектр станцияси Югославияда ишлаб чиқарилган олтита турбоагрегати билан унинг биринчи агрегати 1970 йилда ишга туширилганидан буён ўн миллиард киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқарди.

Дунайнинг темир дарвоза районидаги электр станцияни Югославия билан Румыния биргаликда Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан қуришди. Бу электр қуввати 178 минг киловатт бўлган олти турбинанинг ҳаммасини Югославияга СССР етказиб берди. Бу йил ана шу турбиналар беш миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради.

«Жердап» ёнида кемалар қатнайдиган системалар қурилди. Бу кемалар қатнайдиган системалар Дунайнинг ана шу мураккаб участкасида навигация яна анча енгиллаштириш имконини берди.

● Капитал мамлакатларида

Кун кечиргани ҳеч вақо йўқ

Жаҳондаги турли капиталистик мамлакатлардан янгидан-янги меҳнаткашлар оммаси ишдан маҳрум бўлаётганлиги ва ишсизлар армияси сафини тўлдираётганлиги ҳақида хабарлар келмоқда. Бу ҳол экономиканинг у ёки бу тармоғида аҳвол ёмонлашаётганлиги завод-фабрикаларнинг эгалари бебошлик қилаётганлиги билан кўпроқ боғлиқдир.

Ишдан маҳрум бўлган бу кишилар шубҳасиз қашшоқликка маҳкумдирлар.

ГФРда ишсизлар сони шу йил июль ойининг охирида 20 минг кишидан ошиб кетганлиги маълум бўлди. Ишсизлар шу йил июнь ойи охиридагига қараганда 2,3 процент ўсган. Бу ҳақда меҳнат масалалари билан шуғулланувчи федераль бошқармасининг меҳнат бозоридаги аҳвол тўғрисидаги йиллик ҳисобот докладида маълум қилинади. Бошқарманинг маълумотига кўра ГФРда 1973 йил июль ойида ишсизлар сони 1972 йил июль ойидагига қараганда 10,1 процент кўпайган.

Саноат тармоқларида қийинчиликларни бошидан кечираётган корхона эгалари ўзларининг иқтисодий жиҳатдан мушкул аҳволларидан меҳнаткашлар ҳисобига қутулишга уринмоқдалар. Ҳозир «ишлаб чиқаришни рационализациялаштириш программаси» деб аталган программа амалга оширилмоқда. Бу эса ишчиларни ёппасига ишдан бўшатишга олиб келмоқда. Меҳнат масалалари билан шуғулланувчи федераль бошқарманинг докладида яна бундай дейилади: кейинги йилларда қурилиш ва тўқимачилик саноат корхоналарида кўплаб ишчилар ишдан бўшатиб юборилган.

ГФРдаги «Рурколеаг» тошкўмир концерни бу йил ўзига қарашли кокс ишлаб чиқарувчи 7 корхонани ёпишни мўлжалламоқда. Бунинг натижасида кокс ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг минглаб ишчи ва хизматчиси ишдан маҳрум бўлади. Италияда бу йил апрель ойида ўтган йилнинг шу ойидагига нисбатан ишсизлар сони 116 минг киши ошган деб хабар қилади, марказий статистика институти.

Мамлакатда 1973 йил апрель ойида ҳаммаси бўлиб 735 минг ишсиз рўйхатга олинган эди. Ишсизлар, айниқса қишлоқ хўжалигида кўпайиб кетган.

Англияда ишсизлар сони 1973 йил июнь ойининг ўзида деярли 13.000 кишига ошган. Эълон қилинган расмий хабарларга қараганда, мамлакатдаги ишсизлар армияси 600 минг кишини ташкил этади. Шимолий Ирландия, Шотландия ва Англиянинг шимолий қисмида ишсизлик ғоят юқори даражага кўтарилган.

Бельгиядаги тўла ёки қисман ишсизлар сони шу йил майнинг охирида 101.000 кишидан ортиб кетган деб ҳисоблашмоқда. Мамлакатнинг Валлонск вилоятларидаги ишсизлар сони ғоят кўпайганлиги қайд қилинган. Бу ерда иш қидириб юрган ишсизлар сони 5,2 процент ўсган.

Нью-Йорк ёшлари орасида ёзда ишсизлик айниқса авж олиб кетди. Шаҳар муниципалитетининг маълумотларига қараганда ҳозирги вақтда шаҳарлик 100 минг йигит-қиз иш қидириб юрибди. Айниқса, негр ва Пуэрто-Рика ёшларининг аҳволи мушкул.

(ТАСС).

ТИНЧ БУНЁДКОРЛИК МЕҲНАТИ

ХАНОЙ. Вьетнам Демократик Республикаси ўз тараққиётининг тинч босқичига қадам қўйганидан буён ярим йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Лекин шу вақт ичида республика ҳаётида рўй берган ўзгаришлар ҳозирнинг ўзидаёқ кўзга ташланади.

Ханой аэропортида янгилик—ички линияларда самолётлар ҳаракатининг жадвали пайдо бўлди.

Ҳозир ВДРда транспорт тармоқларини тиклаш ва ривожлантиришга ғоят катта эътибор берилмоқда. Уруш натижасида вайрон бўлган транспорт йўлларининг ҳаммаси тикланди, дейиш мумкин. Шаҳарлараро йўлларда қатнаётган автобуслар кўпайди. Тонкин соҳилидаги портлар ўртасида пассажирлар ташийдиган теплоходлар қатнай бошлади.

Вьетнам меҳнаткашлар партияси ва ВДР ҳукумати саноат ва энергетика объектларини тиклашни энг муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблайди.

Вайрон қилинган Тхаква ТЭСи яқин вақт ичида яна ток бериши мумкинлигини бир неча ой муқаддам тасаввур қилиш ҳам қийин эди. Бироқ ҳозир станция энергия бермоқда. Станция совет мутахассисларининг иштирокида тикланмоқда. Совет инженерлари ВДРнинг яна бир йирик энергетика объекти Уонгби иссиқлик электр станциясини тиклашда ҳам вьетнамлик дўстларга ёрдам бермоқдалар.

Республика машинасозлигининг асосий корхоналари —Ханой ва Хонгай механика заводлари, Хайфондаги Зюнхай механика корхонаси, Чан Хинг Дао номли завод маҳсулотнинг янги турларини кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Мустаҳкам иқтисодий алоқалар

БУДАПЕШТ. Венгрия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик тинмай ривожланиб бормоқда. Масалан, икки томонлама ишлаб чиқариш кооперацияси доирасида Ленинварош шаҳрида олефинларни қайта ишлайдиган комбинат қурилмоқда. Комбинат қувур орқали ўз маҳсулотини Совет Иттифоқидаги корхоналарга етказиб беради.

Венгриянинг муҳим табиий хом ашёси бўлган бокситлардан фойдаланиш соҳасида кенг ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Совет Иттифоқи глинозем харид қилади ва арзон электр энергиясидан фойдаланиб, ундан алюминий эритади, Сўнгра бу алюминий Венгрия корхоналарига жўнатилади.

СССР Венгриядан кўплаб автобуслар, озиқ-овқат саноати учун машина-ускуналар, ВХР қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳам сотиб олмоқда. Венгрия экспортининг 36 процентини машиналар, 16 процентини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташкил этади. Ҳар йили Совет Иттифоқининг бозорларига 100 минг тоннадан кўпроқ олма, 200 минг тонна сабзавот ва мева консервалари жўнатилмоқда.

Совет Иттифоқи ВХРга нефть, темир рудаси, прокат, ёғоч тахта турли машина-ускуналар ҳамда бошқа маҳсулотлар етказиб бермоқда.

ЧССР. Двур—Кралове шаҳридаги зоопарк қошида Африка ҳайвонлари заповеднигининг биринчи навбати ишга туширилди. Мутахассисларнинг маҳорати Шарқий Чехиянинг бу бурчагини ҳатто майда-чуйдасигача Африка ерига ўхшаш қилиш имконини берди. Ҳайвонлар заповедникда йилнинг саккиз ойи мобайнида яшаши мумкин. Қолган вақтларда эса уларни иситилувчи хоналарга кўчиришади.
ЧТК—ТАСС фотоси.

КОМБИНАТ ИШГА ТУШИШ АРАФАСИДА

СОФИЯ. Болгариянинг йирик янги қурилиши— Девнядаги мураккаб минерал ўғитлар комбинатини фойдаланишга топширишга саноқли кунлар қолди. Девня водийси бугунги кунда мамлакатнинг саноат қиёфасини акс эттириб турибди. Геология конлари базасида бу ерда бир неча ўн километр узунликда катта химиянинг мураккаб минерал ўғитлар комбинати, кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқарадиган замонавий заводи, бошқа ўнлаб химия корхоналарининг гигантлари қад кўтарди.

Болгария тарихи бунчалик катта одам кучини ва техникани, қурилишнинг бунчалик катта миқёсларини бир жойга тўпланганини ҳали билмайди. Комбинат ишга туширилиши билан Болгария Халқ республикаси фойдаланиладиган ҳар бир гектар ер учун мураккаб минерал ўғит ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда дастлабки ўринлардан бирига чиқади.

Девня химия комбинатини ёш қурувчиларнинг беш минг кишилик отряди қурди. Болгарияда бу комбинатни «Ҳосилдорлик комбинати» деб аташади. Комбинат учта асосий компонент — азот, фосфор ва калийдан иборат ўғит ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилади. Янги қурилишнинг умумий қуввати Димитровградда, Старий Загора ва Враце шаҳарларида ҳозирги вақтда ишлаб турган химия заводларини бирга қўшиб ҳисоблаганда ишлаб чиқарган маҳсулотга тенг бўлади.

Комбинатни София-даги «Химпроект» илмий-тадқиқот институти совет мутахассисларининг ҳамкорлигида лойиҳалади. Корхона техникаа тараққиётининг намунаси бўлиб хизмат қилади. Комбинатдаги барча ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган бўлиб, электрон-ҳисоблаш техникаси ёрдамида бошқарилади. Девня гигантини қуришда асосан Советлар мамлакати қатнашди. Комбинатга химия ускуналарини Свердловск ва Суми заводлари, компрессорлар ва трубогенераторларни Хабаровск ва Одесса корхоналари етказиб беради, контроль-ўлчов приборлари ва автоматлаштириш воситалари Бошқирдистон ва Украинадан келтирилди.

Берунийнинг бешинчи томи

„Қонуни Маъсудий“

Ўзбек халқининг улуғ мутафаккири, қомусий билимга эга бўлган олим Абу Райҳон Берунийнинг 1000 йиллик юбилейига саноқли кунлар қолди. Бу буюк алломанинг юбилейини муносиб кутиб олиш учун ҳамма жойдагидек республикамизда ҳам катта тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, ЎзССР Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти Беруний «Асарлар»и 5-томининг биринчи китобини (рус ва ўзбек тилларида) ҳамда олимнинг математика ва астрономия соҳасидаги фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Беруний — математик ва астроном» (авторлари: С. Сирожиддинов, Г. Матвиевская, А. Аҳмедов) китобчасини босмадан чиқарди.

«Қонуни Маъсудий». Ун бир бобдан иборат бўлган бу асарни Беруний 1037 йилда ёзиб тугатди. Асарда космология, сферик астрономия, тригонометрия, математик, географик масалалари, шу билан бирга, қадимги халқларнинг йил ҳисоблари тартиби берилган бўлиб, олим бу фанларни жуда катта аҳамиятга эга бўлган илмий фикрлар билан бойитди. Берунийнинг чексиз ақл-идроки, тафаккури маҳсули бўлган асарларининг муҳимлиги шундаки, унинг фикрлари мазкур фанларда ҳанузгача ўз қимматини йўқотмаган.

— «Қонуни Маъсудий» ҳажман катта бўлгани сабабли, уни икки-та китобга ажратдик, — деди муҳаррир Т. Абдужабборова, — биринчи китобдан 5 та мақола ўрин олди, қолгани эса 2-китобга киритилади.

Китобнинг яна бир характерли томони шундаки, у илк марта тўлалигича ўзбек тилига филология фанлари кандидати Абдуваҳоб Расулов томонидан таржима қилинди. Ваҳоланки. «Қонуни Маъсудий»дан рус, немис, инглиз тилларига турли даврларда баъзи парчаларгина таржима қилинган эди, холос.

«Қонуни Маъсудий»нинг масъул муҳаррири академик С. Сирожиддинов, махсус муҳаррири, физика-математика фанлари кандидати Ашраф Аҳмедов. Китоб чиройли безатилиб, супер муқова билан ўралган.

Х. ДУСТМУҲАМЕДОВ.

Мана бу суратдаги аёл «Союзпечать»нинг газета-журналлар билан савдо қилувчи энг кекса киоскёрларидан бири Анна Чачке. У шаҳримиз аҳолисига 41 йилдан буён намунали хизмат кўрсатиб келаяпти. У етиштирган кўпгина шогирдларни «Союзпечать»нинг анчагина киоскаларида учратиш мумкин. Кекса киоскёрнинг кўп йиллик ҳалол меҳнати бир қанча медаллар ҳамда СССР Алоқа министрлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.
СУРАТДА: Анна Чачке.
М. Нуриддинов фотоси.

„Ўзбекистон, мафтунингман“

Бухоро областининг Ромитон район марказидаги болалар кутубхонасида очилган виставка «Ўзбекистон, мафтунингман» деб аталади. Виставкага қўйилган китоб ва брошюралар жонажон ўлка ҳақида ҳикоя қилади. Болалар колхоз қишлоқлари, далалар, мактаб, боғлар — хуллас, ўзларини ўраб турган, ўзлари яшаб, ўқиётган, ўсаётган жойларнинг суратларини олишган.

Халқ талантларининг мусобақаси

Нукусда Қорақалпоғистон шоирлари ва бахшилари санъатининг иккинчи кўриги бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган талантларнинг катта мусобақасига автоном республикасининг барча районларидан бу ерга шоирлар ва қўшиқчилар келди.

Жюри ва кўпдан-кўп тингловчилар Тахиатош шаҳридан келган Обилбой Одилбоевга, Амударё районидан келган Худойберган Ўтегеневга ғолиблар унвонини берди. Энг яхши бахшилар орасида кўрикнинг жуда ёш қатнашчиси мўйноқлик Қалжон Иброҳимова ҳам бор эди. Шуманайлик Жумабой Бозоровга энг яхши кўбизчи номи берилди. У «Шаҳриёр» қорақалпоқ достонидан парча ижро этди.

(ЎзТАГ).

ДОРБОЗЛАР КЎРИГИ

Шу кунларда пойтахтимиздаги Пушкин, Ўзбекистон Ленин комсомоли номли, «Ғалаба», маданият ва истироҳат боғларида дорбозлар кўриги ўтказилмоқда. Кўрикка Тошкент, Бухоро, Наманган, Қўқон, Андижон ва бошқа шаҳарларнинг дорбозлари, полвонлари ҳамда қизиқчилари иштирок этмоқда.

«Ғалаба» маданият ва истироҳат боғида Наманган область дорбозлар группаси ўзининг навбатдаги программасини намойиш этди.

Томошабинлар группа раҳбари Жўраҳожи полвон Норхўжаевнинг маҳоратини айниқса, қизиқиб томоша қилдилар. У шиша синиқлари устида яланғоч ётган ҳолда 25 кишини кўтарди. Унинг бақувват гавдаси устидан «Волга» енгил машинаси ўтди.

Мухбиримиз Ж. Норхўжаев билан суҳбатлашганда у шундай деди:

— Менга бу ҳунарни ҳурматли устозим Қосимжон Абдуллаев ўргатган. Ҳозир у киши Бухоро дорбозлар группасининг раҳбари. Москвада ўтказилган қовун сайилида 7 тонналик автобусни кўтарганман. Бундан бир неча йил аввал Тошкентда бўлган кўрикда 6 тонналик «Кубань» автобусини устимдан ўтказганман. 1972 йили бўлган кўрикда эса, биринчиликни эгалладим.

Халқимизнинг бу қадимий санъатига эътибор берилаётганлиги бизни мамнун қилмоқда. Ҳозир менинг 10 шогирдим бор. Укам Эргашхўжа ҳам полвонлик сирларини ўрганмоқда. Группанизда 13 ёшлик дорбоз Йўлдошжон Қурбонов, Рашиджон Шарипов. қизиқчи Мирзажон Эргашев, Мирзажон Мирзараҳимовлар бор. Биз Қорақалпоғистон, Туркманистон, Қозоғистон, Самарқанд шаҳарларида гастролда бўлдик.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

„ЗАНГОРИ ЭКРАНДА"

Тошкент телевидение студиясининг бир ҳафталик программаси

20 АВГУСТ — ДУШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 16.30 Кўрсатувлар программаси. 16.35 Янгиликлар. 16.45 Ўқувчилар учун. «Костёр». 17.15 Фан—қишлоқ хўжалигига. 17.45 Молдавия ССР—Ватанга рапорт беради. **Тошкент кўрсатади.** 18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Телевизион қўғирчоқ театри (ўзбек тилида). **Рус тилида:** 19.15 Совет Армияси жангчилари учун. «Ҳарбий мемуарлар». 19.25 «Ахборот» информацион программаси. **Ўзбек тилида:** 19.40 Ўн минут музика. 19.50 Оламда нима гап? 20.20 Рангли телевидение. «Нафосат оламида». 20.50 «Ахборот» информацион программаси. 21.10 Ёш ижрочилар концерти. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. **«Динамо»** (Киев) — **«Арарат»** (Ереван). Киевдан олиб кўрсатилади. 00.15 Рангли телевидение. «Универсиада—73» 01.30 Кўрсатувлар программаси. 01.35 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.30 Рангли телевидение. «Ҳофиз ва қўшиқ». И. Скобцов. 19.10 Ўтмиш киноленталари. 20.30 Рангли телевидение. «Универсиада — 73». 21.45 «Омонжонлинг йўли». Телевизион хужжатли фильм. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Азимут». Туристик клуб (рус тилида). 22.30 Бадиий фильм (ўзбек тилида).

Учинчи программа. 18.30 дан Душанба кўрсатади.

21 АВГУСТ — СЕШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 12.30 Кўрсатувлар программаси. 12.35 Янгиликлар. 12.45 Ўқувчилар учун. «Ёш спортчиларнинг катта аренаси». 13.15 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 6-серияси. 14.30 Мамлакат далаларида. 14.45 Музикали календарь. 15.30 Кўча ҳаракатининг янги қоидалари. 16.00 Курск жангининг қаҳрамонлари билан учрашув. 16.30 Кўрсатувлар программаси. 16.35 Янгиликлар. 16.45 Ўқувчилар учун. «Кучукча Цивилнинг саргузаштлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 1—2-сериялари. 17.50 «Унутилган қўшиқлар». Хужжатли фильм. 18.00 «Ишчи — шарафли касб». **ЎЗБЕКИСТОН ЯГОНА ОИЛАДА Тошкент кўрсатади.** 18.30 Кўрсатувлар программаси. **Ўзбек тилида:** 18.35 Болалар учун. «Бахтиёр болалигимиз». 394-боғча болаларининг чиқиши. 19.05 Тошкент — дўстлик шаҳри. 19.35 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). 19.50 «Дўстлик мушоираси». Адабий кўрсатув. 20.20 Рангли телевидение. Ҳужжатли кино экрани. 20.40 «Ўзбекистоннинг бир куни». 21.20 «Ахборот» информацион программаси. 21.40 «Дўстлик куйи». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 22.10 «Ватан, дўстлик ва меҳнат ҳақида қўшиқлар». **Москва кўрсатади.** 23.00 «Вақт» информацион программаси. 23.30 Рангли телевидение. «Универсиада—73» 00.40 Кўрсатувлар программаси. 00.45 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 10.55 Кўрсатувлар программаси. **Ўзбек тилида:** 11.00 «Сеҳрли сандиқ». Болалар учун қўғирчоқ фильм. 11.10 «Звездочка». Кинокўрсатув. 11.50 «Қизил шайтончалар». Бадиий фильм (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 18.30 Рангли телевидение. Концерт. 19.05 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 9-серияси. 20.30 Рангли телевидение. «Универсиада—73». 22.40 Рангли телевидение. Эстрада концерти. **Тошкент кўрсатади.** 23.00 «Объективда ҳаёт». Кинокўрсатув (рус тилида).

Учинчи программа. 18.45 дан Тошкент кўрсатади.

22 АВГУСТ — ЧОРШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 12.30 Кўрсатувлар программаси. 12.35 Янгиликлар. 12.45 Болалар учун. «Ёшлар ижоди». 13.15 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 7-серияси. 14.30 Қишлоқ янгиликлари. 14.40 «Онамларнинг мактаби». 15.10 Ўқувчилар учун «Чарм тўп» клуби соврини учун. 16.40 Липецк трактор заводи духовой оркестри чалади. 17.05 Кўрсатувлар программаси. 17.10 Янгиликлар. 17.20 Ўқувчилар учун. «Кучукча Цивилнинг саргузаштлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 3—4-сериялари. 18.15 Хужжатли фильм. **ЎЗБЕКИСТОН ЯГОНА ОИЛАДА Тошкент кўрсатади.** 18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 Болалар учун мультфильм. 18.50 Ўқувчилар учун. «Қизил галстук». Телевизион журнал (ўзбек тилида). **Рус тилида:** 19.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Улар X Бутунжаҳон фестивалида бўлдилар». 20.05 «Ахборот» информацион программаси. 20.20 «Тенг ҳуқуқлилар даврасида». **Ўзбек тилида:** 20.50 «Ахборот» информацион программаси. 21.10 V Бутуниттифоқ телевизион фильмлар фестивали олдидан. Рангли телевидение. **«Хур республикалар бузилмас иттифоқи».** «Совет Ўзбекистони». Телевизион хужжатли фильм. 22.10 Рангли телевидение. «Ўзбекистоннинг куй ва оҳанглари». Фильм-концерт. **Москва кўрсатади.** 23.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 23.30 «Ватанни шарафлаймиз». Музикали-адабий композиция (ўзбек тилида).

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 10.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 11.00 Болалар учун мультфильм. 11.30 «Хайр, боғчажон». 12.00 «Қулга тушмас қасоскорлар». Бадиий фильм (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 18.25 СССР халқ артисти В. Норейко концерти. 19.20 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 10-серияси. 20.30 Рангли телевидение. «Универсиада—73». 22.45 «Поэзия». В. Цибин шеърлари. Авторнинг ўзи ўқийди. **Тошкент кўрсатади.** 23.00 Хужжатли кино экрани (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 23.30 Рангли телевидение. «Универсиада—73». 01.00 Кўрсатувлар программаси. 01.05 Москва кўрсатувларининг охири.

Учинчи программа. 19.00 дан Тошкент кўрсатади.

23 АВГУСТ — ПАЙШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 12.30 Кўрсатувлар программаси. 12.35 Янгиликлар. 12.45 Ўқувчилар учун. «Ёшлар маршрути бўйлаб». 13.15 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 8-серияси. 14.30 «Инсон ва меҳнат». Тошкентдан олиб кўрсатилади. 15.00 «Поэзия». М. Танк, П. Бровка, А. Кулешов шеърлари. Авторларнинг ўзи ўқийди. 15.10 Каунас медицина институти эркаклар вокал ансамблининг концерти. 15.35 «Хўжаликлар ҳақида ҳикоялар». 16.05 Рангли телевидение. Талабларга мувофиқ концерт. 16.35 Хужжатли фильм. 16.45 Кўрсатувлар программаси. 16.50 Янгиликлар. 17.00 Румыния телевидениесининг программаси. **Тошкент кўрсатади.** 18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Ўқувчилар учун. «Глобус» (ўзбек тилида). **Рус тилида:** 19.15 «Беруний юбилейига Ўзбекистон рассомлари». 19.45 «Ахборот» информацион программаси. **Ўзбек тилида:** 20.00 Рангли телевидение. «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.50 «Ахборот» информацион программаси. 21.10 V Бутуниттифоқ телевизион фильмлар фестивали олдидан. Рангли телевидение. **«Хур республикалар бузилмас иттифоқи».** «Совет Тожикистони». Телевизион хужжатли фильм 22.10 Дала ишлари кундалиги. 22.20 Ўзбек куйларидан концерт. **Москва кўрсатади.** 23.00 «Вақт» информацион программаси. 23.30 Рангли телевидение. «Универсиада—73» 00.45 Кўрсатувлар программаси. 00.50 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 Болалар учун мультфильм **Ўзбек тилида:** 11.30 «Хайр, боғчажон». 450-боғча болаларининг чиқиши. 12.00 «Қулга тушмас қасоскорларнинг янги саргузаштлари». Бадиий фильм. **Москва кўрсатади.** 18.30 Румыния артистларининг концерти. 19.00 «Қуёш доираси». Хужжатли фильм. 19.20 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 11-серияси. 20.30 Рангли телевидиние. «Универсиада—73». 22.50 Рангли телевидение. Хужжатли фильм **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 23.00 Ўзбек давлат эстрадаси «Хайтарма» ансамблининг концерти. 23.30 Хужжатли кино экрани.

Учинчи программа. 19.00 дан Тошкент кўрсатади.

24 АВГУСТ — ЖУМА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 12.30 Кўрсатувлар программаси. 12.35 Янгиликлар. 12.45 Ўқувчилар учун «Пионер ёш». 13.10 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 9-серияси. 14.35 Минглар шартномаси — амалда. 14.50 «Шахмат мактаби». 15.20 Рангли телевидение. «Музикали учрашувлар». 16.00 Рангли телевидение. Академик гребли бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар (ёзиб олинган). 16.40 «Фан оламида». 17.10 Кўрсатувлар программаси. 17.15 Янгиликлар. 17.25 Ўқувчилар учун. «Кучукча Цивилнинг саргузаштлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 5-серияси. 18.00 «Социализм дунёси». **Тошнет кўрсатади.** 18.30 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик меридиани». 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 «Ёш ижрочилар». Қўрқмас Муҳиддинов куйлайди. **Ўзбек тилида:** 20.00 Болалар учун. «Соғлом танда—соғ ақл». Суҳбат. 20.20 Шеърият мухлисларига. 20.3: «Ахборот» информацион программаси. 20.50 V Бутуниттифоқ телевизион фильмлар фестивали олдидан. Рангли телевидение. **«Хур республикалар бузилмас иттифоқи».** «Совет Қирғизистони». Телевизион хужжатли фильм. 21.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурналнинг 15-сони. 22.00 «Олтин водий». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 10.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 11.00 «Майдонда қўғирчоқлар». Болалар учун қўғирчоқ фильм. 11.55 «Ўз тақдирим — ўз сатрларимда». Телевизион фильм. 12.25 «Иван Макарович». Бадиий фильм (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 18.30 Жаҳон халқларининг ижоди. 19.00 «30 йилдан кейинги репортаж». Хужжатли фильм. 19.20 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 12-серияси. 20.30 Рангли телевидение. «Универсиада—73». 22.50 Рангли телевидение. Хужжатли фильм. **Тошкент кўрсатади.** 23.00 КПСС XXIV съезди қарорлари—ҳаётга! «Қишлоқларимиз жамоли» (рус тилида). 23.30 Хужжатли кино экрани (ўзбек тилида).

Учинчи программа. 19.00 дан Тошкент кўрсатади.

25 АВГУСТ — ШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Болалар учун мультфильм. 10.20 Телевизион миниатюралар театри (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 11.00 Кўрсатувлар программаси. 11.05 Янгиликлар. 11.10 Ўқувчилар учун кўрсатув. 11.40 Рангли телевидение. Мультипликацион фильмлар программаси. 12.15 «Изланиш». Телевизион журнал. Кўрсатувни ёзувчи Смирнов олиб боради. 13.00 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 13.30 Рангли телевидение. Академик гребли бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар. 14.15 «Инсон ер, коинот». Кўрсатувни Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. Севастьянов олиб боради. 14.45 Томошабинларнинг хатлари асосида музикали программа. 15.15 Адабий асарларни экранлаштириш. «Ниссо» Бадиий фильм. 16.30 Кинокўрсатув. **Тошкент кўрсатади.** 17.30 Кўрсатувлар программаси. **Ўзбек тилида:** 17.35 Ўқувчилар учун. «Қувноқ поезд саёҳати». 18.20 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). 18.35 V Бутуниттифоқ телевизион фильмлар фестивали олдидан. Рангли телевидение. **«Хур республикалар бузилмас иттифоқи».** «Совет Литваси». Телевизион хужжатли фильм. 19.35 «Ахборот» информацион программаси. 19.55 Пахта далаларидан лавҳалар. 20.10 «Марҳабо, талантлар». Телевизион фестивали лауреатлари С. Удаева. Р. Авезова. Ш. Файзуллаев концерти. **Москва кўрсатади.** 20.55 Рангли телевидение. «Универсиада—73»нинг тантанали ёпилиши. Футбол бўйича СССР чемпионати. **«Спартак»** (Москва)— **«Динамо»** (Киев). В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. 24.00 «Вақт» информацион программаси. 00.30 Кўрсатувлар программаси. 00.35 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 10.00 Болалар учун мультфильм. 10.20 «Ёшлик паради». Цирк программаси. 11.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёшлик — бунёдкорлик» (ўзбек тилида). 11.40 «Ўрмон болалари». Болалар учун телевизион спектакль. 12.55 «Мода сирлари». Илмий-оммабоп фильм. 13.40 «Вертикаль». Бадиий фильм (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 17.30 Рангли телевидение. «Универсиада-73». 19.00 Ўқувчилар учун. «Кучукча Цивилнинг саргузаштлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 6—7-сериялари. 19.50 Шахтёрлар кунига бағишланган кўрсатув. Союзлар уйининг Колонна залидан олиб кўрсатилади. **Тошкент кўрсатади.** 20.55 «Замондаш». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа (қозоқ тилида). **Ўзбек тилида:** 21.45 «Экран куйлари». 22.30 «Саратон». Бадиий фильм.

Учинчи программа 18.00 дан Душанба кўрсатади.

26 АВГУСТ — ЯКШАНБА
ШАХТЕРЛАР КУНИ

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.25 Кўрсатувлар программаси. 9.30 Янгиликлар. **Ўзбек тилида:** 9.40 Ўқувчилар учун. «Қувноқ пионер ёзи». 10.10 Болалар учун мультфильм. 10.30 Ўқувчилар учун. Адабий топишмоқ. **Москва кўрсатади.** 11.00 Кўрсатувлар программаси. 11.05 Янгиликлар. 11.10 Рангли телевидение. Мультипликацион фильмлар программаси. 11.40 Рангли телевидение. «Қўзиқорин ҳақида нималарни биласиз». Илмий-оммабоп фильм. 12.00 Қишлоқ янгиликлари. 13.00 Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 14.00 «Бугун — Шахтёрлар куни». СССР кўмир саноати министри Б. Ф. Братченко чиқиши. 14.15 Рангли телевидение. Музикали киоск. 14.45 В. Розов. «Ҳаёт саҳифалари». Телевизион спектакль. **Тошкент кўрсатади.** 16.30 Кўрсатувлар программаси. 16.35 Кичкинтойлар учун. «Уйлаб топ» (рус тилида). **Ўзбек тилида:** 17.00 Бугун — Шахтёрлар куни. 17.15 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). 17.30 Телевизион миниатюралар театри (такрорий кўрсатув). **Москва кўрсатади.** 18.10 Рангли телевидение. «Тинчлик программаси — амалда». Телевизион хужжатли фильм. **Тошкент кўрсатади.** 19.35 Ўн минут музика. 19.45 «Ахборот» информацион программаси (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 20.00 Хоккей бўйича халқаро турнир. «Советский спорт» газетаси соврини учун. Финал. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 22.15 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.45 «Диққат, стартга». Телевизион спорт фестивали.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 10.00 «Мушук, хўроз ва тулки». Болалар учун фильм-эртак. 10.30 «Зангори коса». Телевизион бадиий фильм. 11.30 Рангли телевидение. «Шахтёрлар». Хужжатли фильм. **Ўзбек тилида:** 12.20 Хужжатли кино экрани. 12.50 Бадиий фильм. **Москва кўрсатади.** 16.30 Рангли телевидение. Киносаёҳатчилар клуби. 17.15 Шахтёрларнинг талабларига мувофиқ концерт **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида;** 18.10 «Физкультура ва спорт». Телевизион журнал. 18.40 Шахтёрлар учун концерт. **Москва кўрсатади.** 19.35 Концерт. **Тошкент кўрсатади.** 20.00 Кино экран янгиликлари (рус тилида). 20.15 Телевизион театр (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 22.45 «Қрим тонги» Бутуниттифоқ музикали фестивали. 23.15 Рангли телевидение. «Универсиада-73». Якунловчи кўрсатув. 00.15 Кўрсатувлар программаси. 00.20 Москва кўрсатувларининг охири.

Учинчи программа. 19.00 дан Тошкент кўрсатади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

17, 19 АВГУСТ КЕЧ СОАТ 7 ДА

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ
ВА ЁШ ИЖРОЧИЛАР ИШТИРОКИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: **ОЛМАХОН ХАЙИТОВА, ДИЛБАР АБДУЛЛАЕВА, ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА;**

Солистлар: Фахриддин **УМАРОВ,** Гулчеҳра **ИСМОИЛОВА,** Ортиқ **ОТАЖОНОВ,** Дилором **ҚАЮМОВА,** Ойхон **ЁҚУБОВА,** Карима **УЗОҚОВА.**

Телеминиатюра ва сўз устаси—

ҲАСАН ЙЎЛДОШЕВ

Машҳур аскиячилар: **ИЖРОҚУМБУВА АМИНОВ, МАМАРОЗИҚ ИСҲОҚОВ.**

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **САЛОҲИДДИН ТЎХТАСИНОВ.**

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **ҒУЛОМ ТОЖИ-АЪЛОЕВ** ва **ЎТКИР СИДДИҚОВ** олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ
МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
(Яшил театрида)

МАРҒИЛОН ШАҲАР НУРХОН НОМИДАГИ
ХАЛҚ ТЕАТРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

17 АВГУСТДА

М. Исмоилий.

«ФАРҒОНА ТОНГ ОТГУНЧА»
(3 парда 9 кўринишли)

18, 19 АВГУСТДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР: солист: Искандар **ҚАЛАНДАРОВ;**

«МАРҲАБО ТАЛАНТЛАР» телевизион фестивалининг лауреатлари: Санобар **КАРИМОВА,** Ҳакимжон **ҚУРБОНОВ;**

Хушовоз лирик хонандалар; республика ёшлар фестивалининг лауреатлари: Ҳалима **ХОЛБОБОЕВА,** Дилоромхон **ЗОКИРОВА,** Фозилжон **ҚЎЧҚОРОВ,** Тамарахоним **ШАРИПОВА;**

Ҳажвия ва аскияларда: Зайнобиддин **ЮСУПОВ,** Мелиқўзи **ТОЖИБОЕВ,** Тошпўлат **ҒУЛОМОВ** ва бошқалар.

Спектакль ва концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

„ГАСТРОНОМ" МАГАЗИНЛАРИ

КОНСЕРВАЛАР ВА СУЮҚ ТАОМЛАРДАН БЎШАГАН
ШИША ИДИШЛАРНИ ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАГАЗИНЛАР ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИНИНГ
АДРЕСЛАРИ:

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

6 — Ульяновский ва Свердлов кўчалари муюлишида.

18 — Високовольтний кўчаси, 101-уй.

23 — Измайловская кўчаси, 20-уй.

29 — «Черданцев» массиви, 7-уй.

30 — Луначарский шоссеси, 424-уй.

ЛЕНИН РАЙОНИ

2 — Т. Шевченко кўчаси, 8-уй.

3 — 3-Саперная кўчаси, 4-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ

5 — «Чилонзор» массиви, 12-квартал, 12-уй.

16 — Волгоград кўчаси, 57-уй.

19 — Пионерская кўчаси, 6-уй.

22 — Ғ. Ғулом кўчаси, 40-уй.

31 — «Чилонзор» массиви, 10-квартал, 16-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОНИ

1 — Муқимий кўчаси, 3-уй.

4 — Б. Хмельницкий кўчаси, 18-уй.

27 — Глинка ва Ш. Руставели кўчаларининг муюлиши.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

7 — Олмазор кўчаси, 161-уй.

7. — Бешёғоч бозори.

11 — Навоий кўчаси, 21-уй.

21 — У. Юсупов кўчаси, 6«а»-уй.

26 — «Оқтепа» бозори.

22 — Қоратош ва Олмазор кўчаларининг муюлиши, 15-уй.

ШИША ИДИШЛАР НАРХИНИНГ ПРЕЙСКУРАНТИ

Идишларнинг номи	Ҳажми (литр ҳисобида)	Бир донасининг нархи (тийин ҳисобида)
Арақ, арақ маҳсулотлари, вино, алкоголсиз ичимликлар, минерал сувлар, шампанское, ўсимлик ёғи, мева-сабзавот шарбатлари, сироплар, экстрактлар, сирка, томат маҳсулотлари ва бошқа озиқ-овқат моллаларининг шишалари	1.0	17
	0.75	17
	0.5	12
	0.25	09
Чет эл ва Ватанимизда ишлаб чиқарилган винолардан бўшаган «Рейнская» ва «Бордосская» типидаги шишалар	0.7	17
Чет эл сироплари, шарбатлари ва пиволаридан бўшаган «Евробутилка» типидаги шишалар	0.5	12
Сут шишалари	1.0	20
Сут, қаймоқ ва сут-қатиқ маҳсулотларининг шишалари	0.5 ва 0.25	15
Чет эл мева-сабзавотлари консерваларидан бўшаган кенг бўйинли шишалар	0.5 дан 1.0 гача	12
Консерва балонлари	3.0	40
	2.0	30
	1.0	10
Консерва банкалари	1.0	10
	0.5	05
Консерва банкалари (шу жумладан майонез банкалари)	0.2 ва 0.35	03
Чет эл мева-сабзавот консерваларининг банкалари	0.4 гача	03
	0.7 гача	05
	1.0 гача	10
	2.0 гача	30
	3.0 гача	40
	5.0 гача	50

ГРАЖДАНЛАР! БЎШ ШИША
ИДИШЛАРНИ ТОПШИРИНГ!

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17|VIII да **Имон,** 18|VIII да **Олтин девор,** 19|VIII да **Самандар.**

КИНО

17 АВГУСТДА
ҚИШКИ БИНОДА

Иродали қиз — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда, кечқурун).

Ўз хоҳиши билан — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (20.00, 22.00).

Бахтли кема командири — ҲАМЗА номли (17.00, 19.00, 21.00).

Жодугар — «МОСКВА» (18.30, 20.30).

Килиманжаро қорлари — «ВОСТОК» (18.00, 20.00, 21.45).

Қора лола — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кечқурун).

Беҳуда шов-шув — «ЧАЙКА» (18.00, 19.30).

18 АВГУСТДА
ҚИШКИ БИНОДА

Юлдуз шуъласи — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Ўз хоҳиши билан — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (20.00, 22.00).

Бахтли кема командири — ҲАМЗА номли (17.00, 19.00, 21.00).

Жодугар — «МОСКВА» (10.00, 11.45, 18.30, 20.30).

Беҳуда шов-шув — «ЧАЙКА» (16.00, 18.00, 19.30).

Эрамиздан миллион йил илгари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Самовий саргузаштлар (2 серия) — «ВОСТОК» (10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 21.45).

ЁЗГИ БИНОДА

Сен менинг ҳаётимсан (2 серия) — КИРОВ номли

Ҳориган отларни ўлдиришади, шундай эмасми? — ТЕЛЬМАН номли.

Беҳуда шов-шув — «ФЕСТИВАЛЬ».

Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бошқармасининг

«ЁШЛИК»
МАКТАБ-МАГАЗИНИ

озиқ-овқат моллари сотувчиларини тайёрлайдиган

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ёши 16 дан 25 гача бўлган 8, 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган, Тошкент шаҳрида прописка қилинган йигит ва қизлар имтиҳонсиз қабул қилинади.

Бу билан бир вақтда кассирлар тайёрлайдиган бир ойлик курсларга

ЎҚУВЧИЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Ўқувчиларга ойига 45 сўмдан 54 сўмгача стипендия берилади ва ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади. Ўқувчилар айни бир вақтда кечки мактабда ва савдо техникумида ўқишлари мумкин.

Мактаб-магазинни тамомлаганлар катта магазинларга ишга юборилади ва Тошкент савдо техникумининг сиртқи ва кечки бўлимига имтиҳонли асосда кириш ҳуқуқи берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Кафанов кўчаси, 65-уй (2, 5, 8, 9, 10-трамвайларнинг «Госпиталь» бозори бекати), телефон 33-75-48.

ТОШКЕНТ ШАҲАР 63-
ЎРТА
ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ
ЮРТИНИНГ

«ШАРҚ» МЕБЕЛЬ
ФИРМАСИ БАЗАСИДАГИ
ФИЛИАЛИ

1973-74 ўқув йили учун мебелчи-дурадгор, станокчи-дурадгор, пардозловчи-дурадгор мутахассисликлари бўйича

ЎҚУВЧИЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-10 синф ҳажмида маълумотли 15-17 ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — бир ва икки йил.

Ўқиш даври узлуксиз иш стажига қўшилади.

Ўқувчилар кунига уч маҳал иссиқ овқат ва кийим билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Магазин-Мавзун» кўчаси, 254-уй (10, 14, 43, 56, 67-автобуслар, 7, 10-троллейбуснинг «Трактор-йиғув заводи» бекати).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг

Ҳунар-техника таълими бўйича давлат комитети

40—ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ
ЮРТИ

1973—1974 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ
ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги мутахассисликлар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: дастгоҳда ишлайдиган дурадгор, дурадгор, слесарь-сантехник, шофер, автослесарь — ўқиш муддати — бир йил; бўёқчи — ўқиш муддати — 2 йил.

Билим юртига 8 ва ундан юқори маълумотли, 14—17 ярим ёшдаги йигитлар қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР 1
СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ

Билим юртига қабул қилинганлар давлат ҳисобига уч маҳал иссиқ овқат, формали кийим-кечак ва махсус кийим билан таъминланади. Билим юртини битириб чиққанлар ёғоч ишлаш заводлари, мебель фабрикалари ва Тошкент шаҳридаги қурилишларда мутахассисликлари бўйича ишлайдилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги хужжатларни топшириш зарур: билим юрти директори номига ёзилган ариза, паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Аризалар ҳар куни эрталаб соат 9.00 дан кеч 17.00 гача қуйидаги адрес бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳар, Луначарский шоссеси, 69-уй, телефонлар: 66-09-98, 66-09-96 (13, 22-трамвайларнинг «Консерва заводи» бекати, 1, 4, 20, 41, 62, 69, 74, 117-автобусларнинг «Партия мактаби» бекати).

ТЕЛЕВИЗОР

18 АВГУСТ
ШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Болалар учун мультфильм. 10.20 «Экран хандаси». (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 11.00 Кўрсатувлар программаси. 11.05 Янгиликлар. 11.10 Рангли телевидение. «Ҳайвонот оламида». 12.00 Рангли телевидение. СССР Ҳаво Флоти куни олдидан. 12.30 Бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти. Кишиневдан олиб кўрсатилади. 13.00 «Халқаро аҳволни янада соғломлаштириш тўғрисида». 13.15 Рангли телевидение. ЯК-40. Хужжатли фильм. 13.30 Рангли телевидение. Адабий асарларни экранлаштириш. «12-кеча». Бадиий фильм. 15.00 Рангли телевидение. Мультипликацион фильмлар программаси. 15.30 Рангли телевидение. «Универсиада-73». 16.45 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. **Тошкент кўрсатади.** 17.15 Кўрсатувлар программаси. 17.20 Болалар учун мультфильм. 17.45 Ўқувчилар учун. «Орзу» программаси (ўзбек тилида). **Рус тилида:** 18.25 «Зангори экран» почтаси. 18.45 «Ахборот» информацион программаси. **Ўзбек тилида:** 19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Карпати» (Львов). Марказий «Пахтакор» стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида «Ахборот» информацион программаси (ўзбек тилида). 20.45 V Бутуниттифоқ телевизион фильмлар фестивали олдидан. Рангли телевидение. **«Хур республикалар бузилмас иттифоқи».** «Совет Арманистони». Телевизион хужжатли фильм. 21.45 Рангли телевидение. Андижон Маданият уйи мақомчилар халқ ансамблининг концерти.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 10.00 «Звездочка» киноальманах. 10.45 Ўқувчилар учун. «Қувноқ дам оламиз». (ўзбек тилида). 11.05 Болалар учун телевизион спектакль. 12.40 «Игорь Лученко қўшиқлари». Фильм-концерт. 13.30 «Нормандия-Неман». Бадиий фильм. (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 17.15 «Қўшиқ — ҳамроҳимиз». 18.00 Чингиз Айтматов. Адабий кўрсатув. 18.45 Фан ва маданиятимизнинг муҳим масалалари. 19.15 «Ўн еттинчи баҳорнинг лаҳзаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 7-серияси. 20.30 Рангли телевидение. «Универсиада-73». **Тошкент кўрсатади: Ўзбек тилида:** 22.45 «Республика мулки». Бадиий фильмнинг 1-серияси.

Учинчи программа. 18.00 дан Душанба кўрсатади.

ДОСААФнинг РЕСПУБЛИКА
АВТОМОТОКЛУБИ

автомобиль ҳайдовчиларини тайёрловчи курсларнинг кундузги ва кечки группаларига

ЎҚУВЧИЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар — 25 августдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Новомосковская кўчаси, 21 «а»-уй.

Самарқанд шаҳар қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми томонидан **Норқобилов Дўсқобил** номига берилган К-020493 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 115-тўлиқсиз ўрта мактаб томонидан **Ильясов Эркин** номига берилган 186353 номерли йўқолган

ШАҲОДАТНОМА

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти коллективи шу институтнинг сектор мудири, филология фанлари доктори Э. И. Фозиловага онаси

Раҳбарнисо
ФОЗИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

4 БЕТ **ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

17 АВГУСТ, 1973 й.

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ГОРКОМА КП УЗБЕКИСТАНА И ТАШГОРСОВЕТА

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, ДЗЕРЖИНСКИЙ КЎЧАСИ, 15-УЙ,

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, Эълонлар бўлими—33-81-42.

ИНДЕКС 64579. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р—03602. Нашр В—2555.